Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 27 февраль 1973 йил, сешанба ◆ № 49 (15.523). ◆ Баҳоси 2 тийин.

- БУЮК ҚАРДОШЛИК НАМОЙИШИ
- ХЎЖАЛИКНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ
- УЛКАН НУРХОНА ҚУРУВЧИЛАРИНИНГ ЮТУҒИ
- ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ЧССРга ДЎСТОНА ВИЗИТИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг, ЧССР Президенти ва ҳукуматининг таклифига биноан 1973 йил 22 февралдан 24 февралга қадар дўстона визит билан Чехословакия Социалистик Республикасида бўлди ва Чехословакия меҳнаткашлари реакция устидан қозонган февраль ғалабасининг 25 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашди.

Л. И. Брежнев ЧССРда бўлган вақтида ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари Г. Гусак, ЧССР Президенти Л. Свобода, ЧКП Марказий Комитети Президиумининг ва секретариатининг аъзолари билан учрашиб, суҳбатлашди.

Чехословакиялик ўртоқлар ЧКПнинг социализмни янада мустаҳкамлашга ва ривожлантиришга қаратилган сиёсий, ташкилотчилик ва идеологик фаолияти тўғрисида, республика экономикаси, маданиятидаги муваффақиятлар тўғрисида гапириб бердилар. Чехословакия ишчилар синфининг, меҳнаткашларининг эришган ғалабалари ЧКП Марказий Комитетининг 1973 йил февралда бўлиб ўтган пленуми материалларида акс эттирилди. Бу пленум Чехословакия Социалистик Республикасини 25 йил давомида социалистик йўлдан ривожланиш натижаларини якунлаб берди. Чехословакия Коммунистик партияси XIV съездининг қарорлари қандай бажарилаётганлиги ва унинг истиқболлари тўғрисидаги масалалар пленумда муҳокама қилинганлиги ЧССРда ривожланган социалистик жамият қуриш билан алоқадор проблемаларни муваффақиятли ҳал этишга партия ва халқнинг куч-ғайратини сафарбар қилмоқ учун муҳим восита бўлади.

Совет томонидан уқтириб айтилдики, ЧССРнинг тажрибаси социалистик жамиятда ишчилар синфи ўйнаётган етакчилик ролининг аҳамиятини, ишчилар синфига хос революцион традицияларни сақлаш ва кўпайтиришнинг аҳамиятини янги куч билан яққол кўрсатмоқда. Чехословакия меҳнаткашлари ўзининг жанговар марксчи-ленинчи авангарди — коммунистик партия рахбарлигида 1948 йилнинг февралидаги ғалаба йўлидан бориб ўз социалистик ватанини тағин ҳам кўпроқ яшматишга эришади, деб ишонч билдирилди.

Л. И. Брежнев СССР халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик планининг ҳал қилувчи учинчи йилида КПСС, совет халқи ҳал этаётган вазифалар тўғрисида, КПСС XXIV съездининг қарорлари амалга оширилаётгани тўғрисида чехословакиялик ўртоқларга ахборот берди. Чехословакия томони СССРдаги коммунизм қуриш тажрибасининг ва экономикани, маданиятни ривожлантиришда, ижтимоий фаолиятнинг бошқа ҳамма соҳаларида совет халқи эришаётган муваффақиятларнинг аҳамиятини уқтириб ўтди. КПСС, Совет Иттифоқи қардош Чехословакияга социалистик ривожланишнинг ҳамма босқичларида мадад бераётганлиги алоҳида қайд қилиб ўтилди. ЧССР коммунистлари, меҳнаткашлари бу мададни юксак даражада қадрлайдилар, уни Совет Иттифоқининг ленинчи Коммунистик партияси ўтказиб келаётган изчил интернационалистик йўлнинг ифодаси деб биладилар.

Ҳар иккала томон иккала партия ва мамлакат ўртасидаги муносабатлар ҳар томонлама ривожланиб бораётганлигидан мамнун эканликларини изҳор этдилар. Икки томонлама асосда ҳам, шунингдек ҳар иккала мамлакатнинг социалистик иқтисодий интеграция комплекс программасида қатнашуви асосида ҳам қилинаётган иқтисодий ҳамкорлик муваффақиятли ривожланиб бормоқда.

Учрашув қатнашчилари иккала партиянинг барча актуал халқаро масалаларга доир қарашлари ва ҳаракатларида бирлик мавжудлигини эўр мамнуният билан таъкидладилар. Социалистик ҳамдўстликнинг аниқ мақсадни кўзлаб иноқлик билан ўтказиб келаётган сиёсати Европадаги халқаро кескинликни юмшатиш жараёнида муҳим роль ўйнади. Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишлаб давлатларнинг Умумевропа кенгашини тайёрлаш ҳозир Европа сиёсатининг диққат марказида турибди, бу кенгаш қитъанинг урушдан кейинги тарихида янги босқич — барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушадиган мустаҳкам тинчлик, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли иқтисодий ва маданий ҳамкорлик босқичини очиб беришни мумкин. Бу вазифаларни ҳал этмоқ учун Европа давлатлари ўртасидаги муносабатларни ҳали ҳам мураккаблаштириб турган проблемалар бартараф қилиниши зарур. Аввало Чехословакия халқининг Мюнхен диктати ҳақиқий эмас ва ҳуқуқий тартибларга қарши деб топилсин, деган одилона талаби қондирилиши зарур.

Вьетнамдаги уруш тўхтатилганлиги кейинги вақтлардаги энг катта халқаро воқеа бўлди. Бутун тараққийпарвар ва тинчликсевар инсоният вьетнам халқининг ғалабасини жуда эўр мамнуният билан кутиб олди. СССР билан Чехословакия Вьетнамга бағишлаб ўтказиладиган халқаро конференция эришилган битимларни мустаҳкамлаб беради ва эрксевар ҳақрамон Вьетнам халқининг ўз миллий орзуларини тинчлик шароитида амалга оширишга кўмаклашади деб умид билдирадилар.

Музокараларнинг қатнашчилари Лаосда тинчликни ва миллий иноқликни тиклаш тўғрисида битимга келинганлиги муносабати билан мамнун бўлганликларини изҳор этдилар. Улар Ҳинди—Хитойдаги уруш ўчоғини тез фурсатда батамом ўчиришга муваффақ бўлинади, деб умид қиладилар. Барча тинчликсевар давлатларнинг бурчи шуки, улар Яқин Шарқдаги можарони Исроил агрессиясининг оқибатларини туғатиш ҳамда шу райондаги барча давлатларнинг ва халқларнинг қонуний ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳурматлаш асосида бартараф қилмоқ учун қўлларидан келган ҳамма чораларни кўришлари керак, бунга Совет Иттифоқи билан Чехословакия тамомила аминдирлар.

Учрашув қатнашчилари шуни қайд қилиб ўтдиларки, социалистик ҳамдўстлик, халқаро коммунистик ҳаракат, барча тараққийпарвар, тинчликсевар кучларнинг империалистик агрессия ва уруш сиёсатига қарши биргаликда қилаётган актив ҳаракатлари тобора сезиларли натижалар бермоқда. Чехословакиялик ўртоқлар партия XXIV съездида ишлаб чиқилган тинчлик программасини изчиллик билан амалга ошираётган КПСС бу ишга жуда катта ҳисса қўшаётганлигини алоҳида уқтириб ўтдилар. Шу муносабат билан СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларда рўй берган ижобий силжишлар халқаро кескинликни юмшатиш ҳамда халқлар хавфсизлигини, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун катта аҳамиятга эга эканлиги қайд қилиб ўтилди.

КПСС ва ЧКП марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принциплари асосида, тинчлик, демократия, миллий мустақиллик, социализм ва коммунизм ишининг янги ғалабалари йўлида социалистик мамлакатларнинг, халқаро коммунистик ҳаракатнинг жипслигини мустаҳкамлаш учун курашни давом эттираверадилар.

Л. И. Брежнев билан Чехословакия рахбарларининг учрашуви самимий вазиятда ўтди ва муҳокама қилинган барча масалаларга қарашларда тўла бирлик мавжудлигини намойиш қилди.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Республика меҳнаткашлари февраль ғалабасининг 25 йиллиги байрамида қатнашиш учун ЧКП Марказий Комитети ва ЧССР Президенти ҳамда ҳукуматининг таклифига биноан Чехословакияга борган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев 25 февралда Прагадан Москвага қайтиб келди.

А. П. Кириленко, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, Ю. В. Андропов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари Б. П. Бешчев, В. В. Кузнецов, Г. С. Павлов, Г. Э. Цуканов, К. У. Черненко, Н. А. Шчелоков, КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг аъзоси О. Б. Рахманин ўртоқлар ўртоқ Л. И. Брежневни Киев вокзалида кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида ЧССРнинг Совет Иттифоқидаги элчиси Ян Гавелка, Чехословакия элчихонасининг ходимлари бор эдилар. (ТАСС).

УМУМХАЛҚ МУСОБАҚАСИ

АВЖ ОЛАВЕРСИН!

А М У Ў З А Н И ТЎСИЛМОҚДА

ТАХИАТОШ (Қорақалпоғистон АССР), 26 февраль. (ЎзТАГ). Амударёдаги улкан ирригация иншоати — Тахиатош гидроузели қурувчилари кўп минг кишилик коллективи ҳаётида тўлқинлантирувчи воқеа бўлмоқда. «Тахиатошгидроэнергострой» трестининг механизаторлари дарёни бўга бошладилар.

Бўгувчи тўғонга тупроқ тўкиб бошлади. Кўп юк ортувчи неча ўнлаб автодарма машиналар тупроқ тўкяпти. Шу жойга кучли прожекторлар ўрнатилган бўлиб, тунгу-кун иш кетяпти. Гидроиншоот қурувчилар В. И. Ленин туғилган кун — 22 апрелгача қисқа бир муддат ичида Амударёни бўгиб, 150 минг куб метр ҳажмли ер ишларини бажаришлари ва дарё суғини янги ўзанда—асосан қуриб битказилган бетон тўғон орқали ўтказишлари лозим. Энди дарё янги қазилган ўзан орқали оқа бошлайди. Бир километрли бўгувчи тўғон 500 метрли тўғон билан бирга икки қиррали автомобиль йўли орқали боғлайди.

Ишнинг иккинчи, тугалловчи босқичида тўғон танасига ярим миллион куб метр тупроқ бостирилади. Амударё бўгилиб бўлгач, Тахиатош гидроузели ишга тушади.

БУХОРО ДЕҲҚОНЛАРИ КЕНГАШИ

БУХОРО, **(«Совет Ўзбекистони» мухбири).** Ленин орденли Бухоро области қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгаши бўлиб, бултурги йилнинг якунлари ва беш йилликнинг ҳал қилувчи — 1973 йилида қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдида турган вазифалар тўғрисида область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Муртазоевнинг доклади муҳокама қилинди. Кенгаш ишида мусобақадош Самарқанд область қишлоқ хўжалик ходимларининг вакиллари қатнашиб 1973 йилги социалистик мусобақа шартларини имзоладилар.

Бу йил Бухоро области меҳнаткашлари давлатга 500 минг тонна пахта, 50 минг тонна дон, 2650 тонна пилла, 46,4 минг тонна сабзавот, 35 минг тонна полиз экинлари маҳсулотлари, 22,2 минг тонна гўшт, 35,8 минг тонна сут ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришга қарор қилдилар.

Поп районидаги Ленин номли колхоз издошлари

ДЕҲҚОНЧИЛИГИМИЗ ЮКСАЛИШДА

Колхозимиз ўртача хўжалик. 1055 гектар ерда ғўза ўстириб, пахта етиштирамиз. Яхшигина чорва фермаларига эгамиз. Пиллачилик, сабзавотчилик, ғаллачилик, боғдорчилик ва бошқа тармоқлар ҳам хўжаликка иқтисодий жиҳатдан фойда келтиряпти. Чунки оз меҳнат ва маблағ сарфланиб кўп, таннархи арзон, сорти юқори маҳсулот олиняпти. Колхозимизнинг иқтисодий қудрати ошиб, колхозчиларнинг турмуш фаровонлиги яхшиланяпти. 1972 йилда ялпи даромадимиз 2 миллион 100 минг сўм бўлди. Бир киши-кунининг қиймати 4 сўм 10 тийинга тўғри келди. Бўлинмас фонддаги маблағ кескин кўпайди.

Мен узоқ йиллардан буён колхоз раиси бўлиб ишлайман. Ҳаётда кўп нарсаларни кўрдим, қийинчиликлар, роҳатларга шоҳид бўлдим. Лекин қишлоқ хўжалигимизнинг ҳозиргидек юксалишини илгари ҳеч қачон кўрган эмасман. Бу Коммунистик партия дона сиёсатининг самарасидир. Қаранг, ер, сув, машиналар деҳқонларнинг измида, кўплаб минерал ўғит оляпмиз, механизмлар воситасида зовурларни қазиб, тупроқ донадорлигини ошириямиз. Хуллас, ҳалол меҳнат қилиб, пахта, сут, гўшт, дон, пилла ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш учун ҳамма шарт-шароит бор.

Биз пахта, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришни бош масала деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қиламиз. Масалан, шу йилнинг ўзидагина пахта майдонини яна 100 гектар кенгайтирамиз, ҳар бош сигирдан соғиб олинадиган сутни 300 литр, ҳар кути пилла қуртидан олинадиган ҳосилни 10 килограмм кўпайтирамиз, гўштга топшириладиган ҳар бош қорамолнинг тирик вазнини ўтган йилдагидан 50 килограмм оширамиз. 1973 йили маҳсулот тайёрлаш давлат планлари ва социалистик мажбуриятларни ошириб бажариш билан беш йилликнинг қолган йиллари топшириқларини муддатидан илгари ўринлашга пухта замин яратамиз.

Айни пайтда колхоз қишлоғини бош план асосида қайта қуриш, колхозчилар хонадонларини ҳозирги замон усулида қурилган, ҳамма қулайликларга эга бўлган уйларга кўчириб чиқаришдек муҳим вазифа турганлигини унутмаслигимиз керак. Болалар яслибоғчалари, мактаблар, касалхоналар ва бошқа маданий-маиший муассасаларга бўлган талаб ортяпти. Шуни ҳисобга олиб, катта қурилиш ва ободончилик ишларини амалга ошириш режаларини белгиладик. Беш йиллик охиригача яна 300 оилани янги уйларга кўчириб чиқамиз.

Қишлоғимиз электрлаштирилган, радиолаштирилган, телевизорсиз хонадон йўқ. Катта кутубхона, қўша-қўша магазинлар, новвойхоналар колхозчи деҳқонлар ва уларнинг оила аъзоларига хизмат қиляпти. Биз шу йилнинг ўзидагина хўжалик территориясидаги ички йўлларга асфальт ётқизиш, беш йиллик охиригача ҳамма хонадонлар, жамоат жойларини табиий газ билан таъминлаш режаларини туздик.

Шу билан бирга даромаднинг омили меҳнат эканлигини унутмаслигимиз керак Поп районидаги Ленин номли колхоз аъзолари айтганларидек, ҳалол меҳнат қилиб моддий бойликларни кўпайтиришни ҳам, оила аъзоларимиз билан фаровон ҳаёт кечиришни ҳам билмоғимиз керак. Бунинг учун нималар қилиш керак? Ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам қийинчиликларни енгиб, пахта ҳосилдорлигини оширишимиз, экин майдонларини муттасил кенгайтириб боришимиз шарт. Илгари гектаридан 28-30 центнердан ҳосил олиб, энди чегара шу бўлса керак деб ўйлардик. Кейинчалик 40 центнерлик маррага яқинлашдик. 1973 йилда колхозимиз бўйича гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга азму қарор қилдик.

Колхозимизда пахта усталари кўп. Ленин ордени кавалери Жўманиёз Шокиров, Давлат Жўманиёзов, Раззоқ Тожиевлар бошлиқ бригадалар гектаридан 45-46 центнердан пахта хирмони кўтаряпти. 15 та пахтачилик бригадамиз бор, уларнинг ҳаммасини ҳосилдорликда шу даражага етказиш ниятидамиз.

Чигит экиш фурсати яқинлашди. Бу жуда муҳим иш. Агротехниканинг энг қулай муддатида чигит экиб бўлиш — мўл ҳосилга замин яратиш деган сўз. Гектар тўла, кўчат сони бут бўлса, ўсимлик яхши парваришланса, кутилганча ҳосил олинаверади. Хўжалигимизда универсаллар, сеялкалар ва бошқа техника воситалари тахт қилиб қўйилди. Қайси пайкалга қайси схемада чигит экилиши, чигитни кимлар экиши аниқлаб олинди. Биз тупроқ қатламида ҳарорат кўтарилиши билан бу муҳим ишга киришамиз ва бир ҳафтада барака уруғини ерга қадаб бўламиз.

Маҳаллий ўғит ҳосилдорликни оширишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ким бунга эътибор бермаса, ҳосилдан ютқазади. Биз ҳар гектар ерга 20 тоннадан гўнг, қўй қийи ва бошқа хил ўғит солиб чигит экамиз. Узоқ йиллардан қўй қийи ташиб келтириш, колхозчиларнинг молхоналари, қўйхоналаридан гўнг ташиб чиқаришга транспорт воситалари ажратдик.

Йил бошиданоқ кун тартибига оз меҳнат ва маблағ сарфлаб, кўп маҳсулот етиштириш, тежамкор бўлиш, ортиқча сарф-харажатга йўл қўймаслик, шу асосда таннархни камайтириш тадбирларини белгиладик, бу борада намуна кўрсатган колхозчи ва механизаторларни моддий жиҳатдан рағбатлантирамиз. Агротехниканинг ҳар бир тадбирини ўз вақтида ўтказамиз.

Пилла — йил[illegible]нг биринчи ҳосили. Қурт боқишни ҳам намунали йўлга қўйиб, ҳар кутисидан олинадиган ҳосилни 10 килограмм оширамиз. Давлатга қоракўл тери сотиш топшириғини бажарамиз. Бунинг учун қўзилатиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказамиз, ўстиришга ҳар йилгидан кўп қўзи қолдирамиз. Чигитни нечоғли яхши тайёрланган ерларга кисқа муддатда эксак, маккажўхори, оқжўхори ва бошқа экинлар экишни ҳам худди шу тарзда ўтказамиз.

Колхозимиз аъзолари Наманган область, Поп районидаги Ленин орденли Ленин номли колхоз аъзолари изидан бориб, хўжаликни социал ривожлантириш вазифаларни муваффақиятли ҳал этадилар.

Абдулла ЕҚУБОВ,
Хоразм область, Хазорасп районидаги «Ленинград» колхозининг раиси.

НАВОИЙ ГРЭСи: ЛОЙИҲАДАГИ ҚУВВАТ ТАЙЁР!

НАВОИЙ Давлат район электр станцияси Ўзбекистоннинг йирик нурхоналаридан бири ҳисобланади. Яқинда коллектив катта меҳнат ғалабасини қўлга киритди. Станция лойиҳада кўрсатилган қувват билан ишлай бошлади. Унинг қуввати 840 минг киловаттга етказилди. ГРЭСнинг барча 9 та энергоблоки белгиланган миқдорда энергия ҳосил қилмоқда. Станция Бухоронинг олтин қазиш саноатини (Мурунтов, Учқудуқ ва Зарафшон) электр қуввати билан таъминламоқда. Унда ишлаб чиқарилган қуввати бир қисми Самарқанд ва Қашқадарё областларига ҳамда Туркманистон ССРга юборилмоқда.

ГРЭС коллективи коммунистик меҳнат корхонаси деган юксак номни олиш учун курашмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ нурхонанинг алоҳида цех ва участкалари ана шундай юксак унвонни олишга сазовор бўлди. Станция бир кечакундузда истеъмолчиларга 1,6—1,8 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб бермоқда.

Улкан нурхонанинг ажойиб меҳнатсевар кишилари бор. Чунончи, қозон турбина цехининг старший машинисти, коммунистик меҳнат зарбдори, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Валерий Сурагин 11 йилдан бери шу ерда ишламоқда. У биринчи энергоблокни монтаж қилишдан бери қурилишда ишлаб келмоқда. Қозон турбина цехининг машинисти, коммунистик меҳнат зарбдори, комсомол аъзоси Владимир Шнейдер, илғор электромонтёр Геннадий Муравьёв, электр пайвандчи Ренат Англиев, Бадриддин Шеров, Сергей Тюрин, Николай Левшанов, коммунистик меҳнат зарбдори, ускуналар ремонти бўйича марказлашган цех мастери Михаил Деминлар ГРЭСнинг бир маромда ва нуқсонсиз ишлаши учун ўзларининг бутун куч-ғайратларини ва маҳоратларини сарфламоқдалар.

Суратда: электр пайвандчи Р. Англиев, электромонтёр Г. Муравьёв, электр пайвандчи Б. Шеров, электромонтёр Н. Левшановлар.

Б. МЎМИНОВ фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ДЎСТЛАР МУСОБАҚАСИ

ҚОРАКЎЛ. (ЎзТАГ). Туркманистон ССР Фороб районининг пахтакорларининг вакиллари Қоракўл районининг хўжаликларида кўкламги дала ишларига қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги билан уч кун мобайнида танишдилар. Улар қишлоқ хўжалик машиналари ремонт қилинаётган устахоналарда, кўкламги экишга тайёргарлик кўрилаётган далаларда бўлишди.

Шундан кейин ўтказилган йиғилишда Қоракўл ва Фороб районлари қишлоқ хўжалик ходимлари ўртасидаги социалистик мусобақа шартномаси имзоланди.

Қоракўл билан Фороб меҳнатчилари деярли ўн йилдан бери дўстлашиб, ўзаро ёрдамлашиб келмоқдалар. Ирригация ва мелиорация ишларини бажаришда, экинларни парвариш қилиш ва ҳосилни йиғиштириб олишда тўпланган тажрибани баҳам кўриш, ёрдамлашиш одат тусига кириб қолди.

ҒАЛЛА ВА БЕДА ЭКИШ ҚИЗҒИН

Республика областларида ғалла ва беда экишнинг бориши тўғрисида шу йил 26 февралга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — ғалла экилган майдон (гектар ҳисобида); учинчи устун — планга нисбатан процент ҳисобида; тўртинчи устун — беда экилган майдон (гектар ҳисобида); бешинчи устун — планга нисбатан процент ҳисобида.

Сурхондарё	10222	74,8	3094	36,0
Қашқадарё	9397	46,8	783	5,7
Сирдарё	16566	37,8	759	3,2
Самарқанд	14110	23,4	76	0,5
Наманган	418	21,0	1167	11,3
Тошкент	645	3,4	36	0,2
Андижон	109	2,7	766	8,5
Фарғона	36	0,6	1292	9,2
Бухоро	—	—	3	0,1
Хоразм	—	—	—	—
ҚҚ АССР	—	—	—	—
Республика бўйича:	51503	29	7973	5,6

РАЙОН ВА ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРЛАРИНИНГ СЕМИНАРИ

Район ва шаҳар партия комитетлари биринчи секретарларининг уч кунлик семинари 26 февралда ўз ишини бошлади. Семинарни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети чақирди.

Биринчи машғулотда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов «Партия XXIV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1972 йил декабрь Пленуми қарорларини асосида Ўзбекистон Компартияси район ва шаҳар комитетларининг иш услуби ва методларини янада такомиллаштириш тўғрисида» лекция ўқиди.

Семинар иштирокчилари «Хўжалик ва маданий қурилиш планларини амалга оширишда меҳнаткашлар депутатлари Советларининг вазифалари тўғрисида КПСС XXIV съезднинг қўрсатмалари» мавзуида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчоновнинг лекциясини, «Бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини янада ошириш соҳасида район ва шаҳар партия комитетларининг вазифалари тўғрисида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносовнинг, «Капитал қурилиш ишларига рахбарликни яхшилаш соҳасида шаҳар ва район партия комитетларининг вазифалари тўғрисида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкиннинг, «Кишилар тўғрисида ғамхўрлик қилиш — партиямизнинг олий қонуни» деган мавзуда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетровнинг, «Гоявий-тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш соҳасида район ва шаҳар партия комитетларининг вазифалари тўғрисида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимовнинг, «Республикада социалистик мусобақани ташкил қилиш ва касаба союзларининг вазифалари» тўғрисида Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси М. А. Зоидовнинг лекцияларини тингладилар.

Семинар планига мувофиқ хўжалиқка партия рахбарлиги, партиявий-ташкилий ва идеология ишлари масалалари юзасидан бир қанча лекциялар ўқилади, тажриба алмашилади, секцияларда машғулотлар ўтказилади. (ЎзТАГ).



ТОШКЕНТ. Ленин номли проспектда 16 қаватли редакцион-нашриёт корпуси қад кўтармоқда. Юқоридаги суратда қурилишнинг илғор монтажчиси Талъат Холитов, электр пайвандчи Юсуф Очилов монтажчи Алексей Илларионов.
И. Глауберзон фотоси.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети X пленуми қарорларини амалга оширамиз

САМАРАДОРЛИК САРИ

Мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари шу кунларда қизғин ижодий меҳнат билан банд. Улар ҳал қилувчи йил ишлаб чиқариш топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани тобора қизитмоқдалар. Улар зўр меҳнат кўтаринкилиги билан ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олиб ишлашмоқда.

Ана шу катта ва фахрли халқ ҳаракатида республикамиз матбаачилари ҳам муносиб ўринни эгаллаш мақсадида фидокорона меҳнат қилишяпти. Корхонамиз ишлаб чиқариш цехлари ва участкаларининг коллективлари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг февраль Пленуми қарорларини кенг муҳокама қилиб, меҳнат-ғайратини ҳар қачонгидан ошириб юборидилар. «Фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш, асбоб-ускуналардан яхшироқ фойдаланиш, фоннинг самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини кўтариш суръатларини жадаллаштириш, иқтисодий тежамни кучайтириш, ишдаги ҳамма техникавий иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қунт билан ҳаракат қилинсин» деб уқтириб ўтилди Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленуми қарорида. Коллективимиз ана шу илҳомбахш қарор кўрсатмаларини ҳаётга тадбиқ этиш учун тинмай ишламоқда, изланмоқда, резервларни ишга солмоқда, ускуналар қуватидан тўлароқ фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

Корхонамизнинг меҳнатсевар азамат коллективи ҳал қилувчи йилда ўз зиммасига олинган юксак мажбуриятлар олган. Биз маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишни янада кўпайтиришимиз керак. Кам сарф билан кўп ва яхши сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш лозим. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳажмини ўтган йилдагидан 6 процент кўпайтиришни мўлжаллаганмиз. Янги-янги резервларни излаб топиб, уларни ишга солмай турриб, энг муҳими — меҳнат унумдорлигини оширишда барча баравар жонкуярлик кўрсатмай туриб бунга эришиш қийин. Буни яхши тушунган матбаачиларимиз меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим резервларини астойдил излашмоқда. Ускуналардан фойдаланиш коэффициентини тўхтовсиз ошириб бориш — шундай улкан резервлардан биридир. Биз уни иложи борича ишга солмоқдамиз. Бундан ташқари ўтган йилги мавжуд ишчи кучлари, ускуналар билан маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш коллективимиздан зўр жасорат талаб этади. Биз оператив планлаштиришни янада яхшилашимиз, босилаётган газета-журналлар ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш графикларининг доимо бажарилишини таъминлаб боришимиз керак бўляпти.

Республикамизда газета ва журналлар тиражи йилдан-йилга муттасил ошиб бораётир. Бунинг устига нашриётимизда Урта Осиё республикалари ва Қозоғистон республикаси учун марказий газета ва журналларни децентрализация усулида нашр этиш кенгаймоқда. Ҳозир Тошкентда босилаётган марказий газеталар сони 11 номдан ортиб, тиражи 1552000 нусхага етди. Шулардан саккизтаси фототелеграф бўйича газеталар нусхасини олиш Тошкент пункти орқали қабул қилиниб босилятпи. «Правда», «Известия», «Социалистическая индустрия», «Сельская жизнь» сингари марказий газеталарни тошкентлик ўқувчилари ҳар қандай ноқулай обиҳаво шароитида ҳам москволиклардан илгари ўқишмоқда. Келажакда газеталарни децентрализация усулида босиб чиқариш ҳажми тағин ҳам ошади, бунинг учун корхонамиз ўзининг етарли полиграфия базасига эга.

Журналларни чоп қилиш бақиёс даражада ўсяпти. 1973 йилда республикамиз журналхонлари «Работница», «Здоровье», «Крокодил» журналлари билан бирга Тошкентда децентрализация тартибида босиладиган «Крестьянка» журналини ҳам ола бошлайдилар. Нашриётимиз газета-журнал босиб чиқарилишига ихтисослаштириб борилаётганлиги ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигини муттасил ошириб бориш имконини беряпти. Барчага аёнки, вақтли матбуот органларини — асосан газеталарни чоп этиш жуда қисқа муддатда бажарилади. Барча матбаачилар бундай муҳим даврда бир жон, бир тан бўлиб, ғайрат ва шижоат билан ишлаб бир неча юз минг нусхали жуда кўп газеталарни қисқа муддатда босмадан чиқарадилар. Бундай тиғиз пайтларда коллективимиз кундалик газеталарни белгиланган муддатда босмадан чиқариб ўқувчилар қўлига етказишга шошилади. Корхонамизнинг ҳарф териш ва босма ускуналари тиним билмай ишлайди. Лекин кундузи эса газетани босмага тайёрлаш вақтида талайгина ускуналаримиз иш кутиб бекор туради. Уларни иш билан таъминлаб кўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш бизнинг энди ишга солинаётган катта резервимиздир.

Ускуналардан фойдаланиш коэффициентини ошириш учун корхонамиз маъмурияти қатор тадбирларни ишлаб чиқмоқда. Асосий маҳсулотни чиқариб бўлганимиздан кейин, ускуналарнинг бўш қолган соатида қўшимча тарзда маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштирмоқдамиз. Бу биринчидан, ускуналарнинг бўш туриб қолмаслигини таъминласа, иккинчидан корхонамизга катта наф келтиряпти. Худди шундай йўл билан 1972 йилда 290 миллион этикетка босиб чиқардик. 1973 йилда эса Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги учун 373 миллион этикетка ва 3525 минг алоҳида бўёқ бериб ишланган каробкалар етказиб беришга буюртма олганмиз.

Тошкентда этикетка ва каробкалар ишлаб чиқарилишининг ўзлаштирилиши — корхонамизда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қиляпти. Бу — Озиқ-овқат саноати министрлигига ҳам катта фойда келтиряпти. Илгари министрлик Москва, Ленинград, Калуга, Херсон ва бошқа шаҳарлардаги босмахоналарга буюртма юборарди. Энди бу ишни шу ернинг ўзида бажариш ва ортиқча сарф-харажатларни қисқартиш имкони очилди.

Нашриётимиз келажакда республика Озиқ-овқат саноати министрлигининг буюртмаларини бажариш борасидаги алоқаларни янада кенгайтиришни мўлжалламоқда. Бундан ташқари биз енгил саноат, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш министрликлари билан ҳам ана шундай ишлаб чиқариш муносабатларини йўлга қўймоқчимиз.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим резервларидан яна бири — ишчи ва инженер-техник ходимларни ўз корхонасига нисбатан меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, қоғоз, бўёқлар ва материалларни тежаб-тергаб сарфлаш ҳиссини оширишдир. Илгарилари анча-мунча қоғоз хом ашёси макулатурага топширилиб юборилади. Қоғозни қайта ишлаш жараёнлари механизациялаштирилгандан сўнг, унинг чиқиндилари ошириб бажариш учун ғайрат кўрсатишяпти. Ҳарф теруvчи Я. Бродский, Т. Иброҳимов, нусха кўчирувчи З. Тўхтаев, назоратчи В. Яковлева, сараловчи В. Риқиев, ретушчи В. Логинов сингари ишлаб чиқариш жонкуярлари ҳамиша ўзларига ишониб топширилган ишларни ошириб ва аъло даражада бажаришга эришаётирлар.

«Беш кунлик иш нормаси — тўрт кунда» шиори корхонамизнинг барча цех ва участкаларида кенг тарқалмоқда. Агар биз ҳар ҳафтада бир кундан тежаб қолгудек бўлсак, шу йилнинг икки ойини қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш ойига айлантириш имконияти туғиларкан. Биз зиммамизга олган социалистик мажбуриятимизни муддатидан икки ой илгари адо этарканмиз. Шунинг учун ҳам матбаачиларимиз беш кунлик ишни тўрт кунда бажариш мусобақасига астойдил қўшилишмоқда. Яқинда шу мусобақа илғорларидан 123 кишини моддий ва маънавий рағбатлантириб мукофотладик.

Мусобақанинг шундай ташкил этилиши яхши натижа бермоқда. Ишчилар бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўпроқ иш бажаришга ҳаракат қилишяпти. Январь ойи ишлаб чиқариш плани ошириб бажарилди. Ўтган йил январь ойидагига нисбатан 90 минг сўмлик ошиқча маҳсулот ишлаб чиқарилди. Топширган маҳсулотимиз ўтган йилги январь ойига нисбатан кўп бўлиши билан бир қаторда уни ишлаб чиқариш учун кам харажат сарфланди. Февраль ойи плани ҳам ошириб уддаланяпти. Буларнинг ҳаммаси меҳнатсевар матбаачиларимизнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети X пленуми қарорларини бажариш йўлида қўлга киритган дастлабки муваффақиятларидир.

И. ШОҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг директори.

БУЗИЛМАС ДЎСТЛИК

Чехословакия социалистик республикасининг, қардош социалистик давлатларнинг ва бошқа кўпгина мамлакатларнинг матбуоти ўртоқ Л. И. Брежнев Чехословакия диёрида эўр саммият туйғулари билан кутиб олинганлигини таъкидладилар. Газеталар пролетар интернационализми принципларига асосланган қардош совет — чехословак дўстлиги бузилмас ва мустаҳкам эканлигини уқтириб ўтмоқдалар.

● ПРАГА. ЧССР пойтахтида яшовчи Ф. Свободова «Руде право» газетаси редакциясига йўллаган мактубида Чехословакия меҳнаткашларининг ҳозирги ҳис-туйғуларини яққол ифода этди: «Биз бу кунни, ажойиб юбилей байрами кунини кўпдан буён сабрсизлик билан кутар эдик. Киши хурсанд бўлган ва бу хурсандчилигини энг яқин дўстлари билан баҳам кўра олган чоғда ҳамиша беҳад қувонади. Ўртоқ Л. И. Брежнев февраль ғалабасининг 25 йиллиги байрамида қатнашиш учун мамлакатимизга келиши тўғрисидаги хабарни эшитганимда бундай хурсандчиликнинг моҳиятини жуда яхши англадим. Биз ўз оримизда уни табриклямоқдамиз, унинг бу ерда ҳамма нарсадан мамнун бўлишини, ўтган йигирма беш йил мобайнида қилинган ишларнинг якунларидан биз билан бирга хурсанд бўлишини, совет кишиларига самимий саломларимизни топширишини истаймиз. Совет кишилари ҳозирги бахтли ва қувноқ ҳаётимиз ҳамда тинч меҳнатимизга катта ҳисса қўшдилар».

Чехословакия газеталари Совет Иттифоқидан келган ҳурматли меҳмоннинг ЧССРга қилган сафари, маҳсус поезд тўхтаб ўтган шаҳарларнинг аҳолиси уни қардошларча кутиб олганлиги, Чехословакия раҳбарлари, Прага аҳолиси пойтахтнинг бош вокзалида КПСС Марказий Комитети Бош секретарини самимий кутиб олганлигига доир репортажларни кўзга яққол ташланадиган ўринларда босиб чиқардилар.

● БЕРЛИН. «Нойес дойчланд» газетаси КПСС Марказий Комитети Бош секретари нутқидаги шу сўзларга алоҳида эътибор беради: ЧКП раҳбарлари ролининг мустаҳкамланганлиги натижасида мамлакатдаги вазият нормал изга тушиб олди ва ЧССР халқаро ишларда таъсирчан ва нуфузли куч сифатида иш кўрмоқда, бошқа қардош мамлакатлар билан биргаликда халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

● БУДАПЕШТ. Венгриянинг ҳамма газеталари февраль ғалабасининг 25 йиллиги муносабати билан қардош Чехословакиядаги тантаналар тўғрисидаги, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Чехословакияда бўлиши тўғрисидаги хабарларни биринчи саҳифаларида катта сарлавҳалар билан босиб чиқармоқдалар.

«Непсабадшаг» газетаси КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Ўртоқ Г. Гусакка Ленин ордени топшириш вақтида сўзлаган нутқини баён этиб, унинг Чехословакияда Коммунистик партиянинг раҳбарлик роли мустаҳкамланганлиги ҳақида айтган гапларини таъкидлаб ўтади.

● СОФИЯ. Болгария жамоатчилиги, мамлакатнинг барча меҳнаткашлари февраль ғалабасининг 25 йиллиги қардош ЧССРда байрам қилинаётганлигини эўр шодлик ва мамнуния билан кузатиб бордилар. Болгария Халқ республикасининг матбуоти, радиоси ва телевидениеси КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг қардош Чехословакиянга қилган дўстона визитига ижодиллик билан «Интернационализм амалда», деб баҳо бермоқда.

● ВАРШАВА. Польша матбуоти Чехословакия меҳнаткашлари 1948 йил февралидаги революцион воқеаларда қозонилган ғалабанинг 25 йиллиги байрамини нишонлаётганлигини кенг ёритмоқдалар.

Газеталар, радио ва телевидение шарҳчилари Л. И. Брежневнинг нутқини баён этиб, унинг ЧКП Марказий Комитети ва ЧКП Марказий Комитети Бош секретари Г. Гусакнинг Чехословакиядаги сиёсий вазиятни соғломлаштириш соҳасидаги фаолиятига юксак баҳо бергаилигини таъкидлайдилар.

● БЕЛГРАД. Танюг агентлиги КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг ЧКП Марказий Комитети Бош секретари Г. Гусакка Ленин ордени топширганлиги тўғрисидаги мухбирининг берган хабарида Л. И. Брежневнинг ЧССРда аҳвол нормаллаштирилди ва антисоциалистик кучлар Чехословакия экономикасига етказган катта зарар оқибатлари тугатилди, деб айтган сўзларини келтиради. Л. И. Брежневнинг совет раҳбарлари билан Г. Гусак ҳамда унинг сафдошлари ўртасида, КПСС билан ЧКП ўртасида тўғри-ўзаро ишонч, чуқур ўзаро ҳурмат ва чинакам ўртоқлик муносабатлари қарор топганлиги тўғрисидаги гапларини ҳам таъкидлаб ўтади.

● ВЕНА. Газеталарнинг ҳаммаси КПСС Марказий Комитети бош секретари Л. И. Брежневнинг Прагага келиши тўғрисидаги хабарлари биринчи саҳифаларда босиб чиқарди. «Фольксштимме» газетаси шу мавзуга доир хабарини «Прагада самимий кутиб олиш», деган сарлавҳа остида эълон қилди. «Винер цайтунг» газетаси «Прага шу кунларда КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг визити таассуроти билан яшамоқда», деб ёзади.

● БОННН. «Франкфуртер рундшау» газетаси КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Прагага келиши тўғрисидаги хабарни биринчи саҳифасида эълон қилиб, гоят ҳурматли меҳмон Прагага келди, деб уқтириб ўтади.

● РИМ. Италиянинг ҳамма газеталари КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Чехословакияга қилган визити тўғрисидаги хабарларни эълон қилдилар.

«Унита» газетаси Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари Г. Гусакка Ленин ордени топшириш маросими тўғрисидаги ҳисоботни ва Л. И. Брежнев нутқини биринчи саҳифасида босиб чиқарди.

● НЬЮ-ЙОРК. Социалистик Чехословакиянинг 25 йиллиги байрами Нью-Йорида газеталарнинг асосий мавзуларидан бири бўлиб қолди. «Нью-Йорк таймс» газетаси Чехословакия меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневни шодуҳурромлик билан кутиб олганлигини тасвирлайди. Газета Л. И. Брежневнинг поезд вагонидан чиқиб келган ва ЧКП ҳамда Чехословакия давлати раҳбарлари томонидан кутиб олинган пайтда олинган фотосуратини босиб чиқарди.

УКРАИНА: УЛКАН МАРРАЛАР

Беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йилида Украина меҳнаткашларининг мажбуриятлари

Ватанимизнинг барча меҳнаткашлари каби Совет Украинасининг ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, зиёлилари ҳам коммунистик партия раҳбарлигида КПСС XXIV съезднинг қарорларини қунт билан амалга оширмоқдалар.

Республика саноат корхоналарининг коллективлари ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги юбилейини муносиб кутиб олишга ҳозирланиб, 1972 йил планини ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми бўйича муддатдан олдин бажардилар ва қўшимча равишда 1,1 миллиард сўмлик маҳсулотни реализация қилдилар. Қишлоқ хўжалиги янада ривожлантирилди. Саноатда, қурилишда ва транспортда меҳнат унумдорлиги ошди. Беш юзтадан кўпроқ жуда муҳим ишлаб чиқариш объектлари ва комплекслари ишга туширилди, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражаси оширилди.

КПСС Марказий Комитети 1972 йил декабрь Пленумининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ Касаба союзлар Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги қарори меҳнаткашлар томонидан қизғин равишда қўллаб-қувватланди. Меҳнаткашларнинг коллективлари мавжуд резервларни ҳар томонлама ҳисоблаб чиқиб, зиммаларига катта мажбуриятлар олдилар ва оширилган планларни қабул қилдилар. Ишчилар, колхозчилар, бригадалар, цехларнинг, корхоналарнинг коллективлари, колхозлар, совхозлар ўртасида мусобака шартномалари тузилди. Укрэнинг барча областлари Россия Федерацияси ва Белоруссия ССРнинг областлари билан ўзаро келишиб, халқ хўжалик планларини муваффақиятли бажариш учун мусобақалашмоқдалар.

Министрликларнинг коллегиялари ва касаба союзларининг республика комитетлари, республика партия-хўжалик активининг кенгаши Украина СССР меҳнаткашларининг 1973 йил учун зиммаларига олган умумлаштирилган социалистик мажбуриятларини маъқуллаллар ва шу мажбуриятларни бажаришни таъминлаш тадбирларини белгилаб бердилар.

Саноатда ишлаб чиқариш қувватларидан яхшироқ фойдаланиш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш йўли билан реализация қилиш плани **муддатидан олдин, 27 декабрда бажарилади ва қўшимча равишда 1 миллиард 250 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.** Саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг беш йиллик топшириқларида кўрсатилиб ўтилгани дек ўстириш, шунингдек электр энергетикани, машинасозликни, асбобсозлик, радиоэлектроника ва химия саноатларини илдам ривожлантириш таъминланади. Меҳнат унумдорлиги пландаги 5 процент ўрнига 6,2 процент оширилади. Шу йўл билан саноатдаги жамики ўсишнинг 90 процентни ва қора металлургиядаги, кўмир, озиқ-овқат гўшт ва сут саноатидаги жамики ўсиш қўлга киритилади. Пландан ташқари камида 150 миллион сўмлик фойда олинади.

Йиллик пландан ташқари 120 минг тонна чўян, 120 минг тонна пўлат, 110 минг тонна қора металлар прокати, 35 минг тонна пўлат трубалар ишлаб чиқарилади, 8 миллион тонна кўмир, 700 минг тонна темир руда, 600 миллион куб метр табиий газ қазиб олинади, 50 минг тонна аммиак, 10 минг тонна олтингугурт кислотаси, 1,2 минг тонна химиявий тола, 200 минг тонна тиниқ нефть маҳсулотлари, 50 миллион тонна нефть битуми, 53 минг тонна цемент ишлаб чиқарилади, 20 тепловоз, 740 та автомобиль ва автобус, 17 миллион сўмлик ҳисоблаш техникаси ва автоматлаштириш воситалари тайёрлаб берилади.

63 минг тонна руда сиғадиган «Зоя Космодемьянская» номидаги кема, 20 минг тонна ҳажмдаги «СССР 50 йиллиги» номли транспорт рефрижератори, қурук юк ташийдиган катта тоннали иккита кема ва нефть ташийдиган иккита танкер белгиланган муддатдан олдин фойдаланишга топширилади. Ватанимизда биринчи бўлиб қурилаётган ва 180 минг тонна нефть сиғдирадиган энг катта «Крим» танкерининг корпуси қуриб битказилади.

Металлургияда мавжуд қувватлар воситасида металл ишлаб чиқаришдаги ўсишнинг 80 процентини технология жараёнларини интенсивлаштириш йўли билан қўлга киритиш, домна печларининг фойдали иш ҳажми коэффициентини 0,580 га етказиш, мартен печлари тубининг ҳар бир квадрат метридан олинаётган пўлатни 10,8 тоннага етказиш, 14 та янги наз пўлат ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, прокатнинг 43 тежамли профилларини ва трубаларнинг янги 10 та хилини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш таъминланади.

Шахтерлар меҳнатини ташкил этиш ва меҳнат қилиш шароити яхшиланади, кўмир саноатида меҳнат унумдорлигини оширишнинг планда белгиланган топширғи 1,5 баравар ошириб бажарилади. Шу кўрсаткич бўйича беш йиллик план тўрт ярим йил ичида бажарилади. Ҳар бир лавада қазиб олинаётган кўмирнинг миқдори 10 процент оширилади, 120 та тозалаш забойларининг доимий ишлаб туриши ва ҳар кун ўрта ҳисобда минг тоннадан кўпроқ кўмир бериши таъминланади.

Бир мингдан кўпроқ янги машиналар, механизмлар, ускуналар асбоблар ва материаллар ишлаб чиқаришни, шу жумладан катта ҳажмдаги кислородли конверторлар, рақамли программа билан бошқариладиган металл ясаш станоклари, икки секцияли магистрал тепловозлар, электрон-ҳисоблаш машиналарини кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. 600 дан кўпроқ саноат маҳсулотлари давлат сифат белгисини олиш аттестациясидан ўтказишга тайёрланади ва тақдим этилади.

40 та корхона, 900 та цех ва участка комплекс равишда механизациялаштирилади ва автоматлаштирилади, механизациялаштирилган 1200 поток, автомат линиялар ишга туширилади. Корхоналарда бирлашмаларда, министрликларда ва идораларда бошқарувни ва информация ишлаб чиқишни автоматлаштирилган 95 та система, шу жумладан технологик жараёнларни бошқарувчи 25 та система жорий қилинади.

Ихтироларни ва рационализаторлик таклифларини жорий қилиш йўли билан 700 миллион сўмлик шартли маблағ тежалади.

Қишлоқ хўжалигининг буюртмалари муддатидан олдин бажарилади. Планга қўшимча равишда таркибида тўйимли моддалари тағин ҳам кўпроқ бўлган 250 минг тонна минерал ўғит, 300 та трактор, силосбоп экинларни ўриб-йиғиб берадиган 5 мингта комбайн, паррандачилик фабрикалари учун катакларга ўрнатиладиган 200 комплект автоматлаштирилган батарея, сочма усулда ерни суғорадиган 20 та «Фрегат» установкаси, қишлоқ хўжалик машиналарига 5 миллион сўмлик запас қисмлар тайёрлаб берилади.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларида халқ истеъмоли моллларини ишлаб чиқариш кенгайтирилади ва сифати яхшиланади. Пландан ташқари камида 400 миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан, 1,8 миллион метр газлама, 3 миллион дона тикилган ва трикотаж буюмлар, 600 минг жуфт чарм пойафзал, 10 миллионта чинни-фаянс идиш, 11 мингта телевизор ва бошқа буюмлар ишлаб чиқарилади.

Қурилиш-монтаж ишларининг йиллик программаси 29 декабргача тугалланади, қурилишда меҳнат унумдорлигини ошириш ва таннархини камайтириш план топшириқлари ортиғи билан бажарилади.

Энг муҳим объектларнинг қурилиш муддати қискартирилди ҳамда Ждановдаги «Азовсталь» заводида «3600» прокат стани, «Криворожсталь» заводида 3-блюминг, Шимолий кон-саралаш комбинатидаги окатишлар фабрикасининг биринчи навбати, Маҳ ҳажми 1972 йилдагига нисбатан 8 процент кўпайтирилади, колхозларда ва совхозларда меҳнат унумдорлиги 12 процент оширилади.

Мелиорация қилинган 250 минг гектар ер фойдаланишга топширилади, янги чорвачилик иморатлари қуриш топшириқлари муддатидан илгари бажарилади, 927 минг бош қорамол, 868 минг бош чўчқа, 5,9 миллионта парранда боқиладиган чорвачилик фермалари комплекс механизациялаштирилади.

Саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг коллективлари колхоз ва совхозларга оталиқ ёрдамини кенгайтирадилар.

Барча турдаги транспорт юк оборотн плани муддатидан аввал бажарилади. Пландан ташқари 14,5 миллион тонна халқ хўжалик юкларн ташиб берилади. Планга қўшимча суратда 760 километр узунликдаги асфальт ётқизилган автомобиль йўллари қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Савдо-сотиқ, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш яхшиланади. Чакана товар обороти ва маиший хизмат кўрсатиш йиллик планлари 30 декабрда бажарилади. Магазинларнинг тармоклари кенгайтирилади, уларнинг сахни 180 минг квадрат метр кўпайтирилади, ошхона, кафе ва ресторанлар 134 минг ўринга, ателье, устахоналар ва кабул пунктлари 2000 тага кўпайтирилади. 1550 колхоз ва совхозда маиший хизмат уйлари ва комплекс кабул пунктлери очилади.

Илмий-тадқиқот институтларининг коллективлари янги конструкцион материаллар яратадилар, электр пайвандлаш, қуюв, сиртни мустаҳкамлаш, лазер асбоби, синтетик олмос ва қаттиқ қотишмалардан фойдаланиб саноат машина-ускуналари деталларини тайёрлашнинг юксак самарали методларини ишлаб чиқадилар. Ана шу ишлаб чиқилган янгиликлар 270 корхонада жорий этилади.

Қишлоқ хўжалик ходимлари билан қамкорликда ўғит ва препаратлардан рационал фойдаланишга, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашга, озуқа базаси самарадорлигини оширишга қаратилган янги методлар 200 колхоз ва совхозда жорий этилади.

Украина ССР Фанлар академияси институтларида бажарилган 300 та илмий-тадқиқот ишларини саноатда ва қишлоқ хўжалигида жорий этишдан камида 156 миллион сўм миқдорида йиллик иқтисодий самара олинади.

Украина ССР ишчилари, колхозчилари, зиёлилари КПСС Марказий Комитетини ва Совет ҳукуматини ишонтириб айтадиларки, 1973 йилги халқ хўжалик планларини муддатидан олдин бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобакасига қўшилиб, мамлакатга кам сарф билан кўпроқ яхши сифатли маҳсулот бериш учун бутун куч, тажриба ва ижодий ғайратларини сарфлайдилар. ССР Иттифоқининг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга, коммунистик қурилиш вазифаларини амалга оширишга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХАБАРЛАРИ

ҚАМАШИ. «Марксизм» колхози меҳнаткашлари экин майдонларини қўриқ ва бўз ерлар ҳисобига йил сайин кенгайтиришяпти. Бу йил Чимқўрғон сув омбори этакларидан 500 гектар бўз ер ўзлаштириб қишлоқ хўжалик оборотига киритилади. Яна бешта пахтачилик бригадаси тузилади. Ҳозирги вақтда чўлни ўзлаштириш янада қизитиб юборилди. 400 гектарга яқин майдон ўзлаштирилди. Шунингдек, хўжаликда кўкламги экин мавсумига тайёргарлик ишлари ҳам қизитиб юборилди.

М. ЭҲСОНОВ.

БЕРУНИЙ. Районда Ерлик қалъа, Қизил қалъа, Оқча, Ёмонсой, Толлиқ сингари ўзлаштирилмаган жуда катта массивлар мавжуд. Район хўжаликларида 1980 йилгача мана шу массивлардан 90 минг гектар янги ер ўзлаштириш мўлжалланган. Ҳозирги вақтда қўриқ ерлар ҳисобига райондаги Киров номли, Охунбобоев номли, «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхоз ва совхозлари 10 минг гектарга яқин майдонни ўзлаштириб қишлоқ хўжалик оборотига киритишяпти. Шу кунларда қудратли техника воситалари бу массивларни ўзлаштиришга сафарбар қилинган.

Ю. МОМУТОВ.

СИРДАРЁ районидаги «Правда» колхози ҳар куни давлатга 2 тоннадан ошириб сут сотмоқда. Бунда илғор сут соғувчилардан Ҳ. Жайноқова, Т. Аҳмедоваларнинг натта ҳиссаси бор. Суратда: (чапдан). Ҳ. Жайноқова ва Т. Аҳмедова ўртоқлар.

А. Тўраев фотоси.

МАКТАБГА — КЎРГАЗМА ДИПЛОМИ

Хоразм областидаги Ушинский номли 15-мактабга Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг дипломи топширилди. Боғотдаги бу мактаб таълим-тарбия ишидаги юксак кўрсаткичлари ва болаларнинг ижтимоий фойдали меҳнатини яхши ташкил этганлиги, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда мактаб, оила ва жамоатчилик биргаликда муваффақиятли иш олиб борганлиги учун бу мукофотга сазовор бўлди.

Мактаб директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Улуғ Ватан урушининг ветерани Нурмат Нуруллаев СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг Олтин медали билан тақдирланди. Болалардан бир нечтаси «СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг ёш қатнашчиси» медалларини олдилар.

Мактабда ўқувчиларнинг юксак самарали узайтирилган куни жорий этилди. Болалар муаллимларнинг раҳбарлигида уй вазифаларини бажарадилар, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида қатнашадилар, спорт мусобақалари ўтказадилар, мактаб фермаси ва томорқасида ишлайдилар.

Бир неча йилдан бери бу мактабда бирон бола синфда қолмаётганлиги барчани хурсанд этади. Жонажон ўлка бўйлаб ўтказилган экскурсияларда болалар мактаб музейи учун экспонатлар тўплашди. Бу материаллар орасида Нариманов номли колхоз тўғрисида ҳикоя қилувчи материаллар бор, чунки мактабнинг ўзи шу хўжалик территориясида жойлашган.

Мактабнинг қуёнчилик фермаси учун янги типовой бино қуриб берилди. Бинони мактабга отаолиқ қилувчи Нариманов номли колхоз, ота-оналар комитети ва болаларнинг ўзлари қуришди. Ўзбекистон мактабларида қуёнчилик фермалари барпо этилаётганлиги, эндиликда қуёнлар икки баравар кўпайтирилганлиги ташаббускор ёш чорвадорларни жуда қувонтирмоқда.

Ҳозир мактаб сабзавотчилари кўкламги дала ишларига ҳозирлик кўрмоқдалар. Улар биология муаллими Ю. Машарипов раҳбарлигида 1,5 гектарлик томорқа ерни экин экишга тайёрламоқдалар. Қуён гўшти ва сабзавотдан мактабнинг ўзида болаларга овқат пишириб берилади. Республикада биринчи бўлиб бу мактаб болаларга текин иссиқ овқат бера бошлади.

Лекин энг муҳими шуки, меҳнат политехника мактабининг талабалари деҳқончилик ва чорвачиликни ўрганмоқдалар, ўзларининг назарий билимларини бойитмоқдалар. Дарслар ижтимоий фойдали меҳнат билан боғлаб олиб борилмоқда. Болалар кутубхона ташкил этишда, радиоузелни, лабораторияларни, кабинетларни, спорт залини жиҳозлашда актив қатнашмоқдалар.

Колхозчилар мактабни мукофот билан самимий табрикладилар.

ЮРАК ТИНЧИМАЙДИ

Инсон ҳаётини сўқмоқларга қиёс қиламан. Қир-адирлар, тоғлар оша ўтган баланд-паст сўқмоқлар кенг, равон йўлга олиб чиққанидек, инсон ҳам ҳаётдан ўз ўрнини топиб олгунга қадар кўп қийинчиликларни бошидан кечиради. Одамларга хизмат қилиш, кўпчиликнинг манфаатини кўзлаб моддий бойликлар яратиш ва шу бойликлардан ҳаммани баҳраманд этиш учун ҳаётини, куч-ғайратини аямай меҳнат қилади.

Коммунист Очил Маматқулов ҳам худди шундай кишилардан бири. Пахта илмини сув қилиб ичиб юборган, даласи билан тиллашадиган тажрибали деҳқонлардан бири. У даставвал оддий колхозчи бўлди. Механизаторга ёрдамчи бўлиб ишлади. Машинада ёнилғи ташиди, қисмларини ювди, артди, тозалади, мойлаб турди. Техникага чин ихлосманд Очил ака тез орада уста механизатор бўлиб, одамлар ўртасида танилди. Уни қолоқ бригадалардан бирига бошлиқ қилиб кўтаришди.

О. Маматқулов бригадага бошлиқ этиб тайинланганидан сўнг каттани ака деди, кичикни ука... Одамларнинг кўнглига йўл топди. Уларнинг ёшидан қатъи назар, ҳаммани бирдек кўрди, ҳаммага бирдек ишонди. Бригада олдида турган вазифалар тўғрисида деҳқонлар билан маслаҳатлашди, фикр-мулоҳазасини, таклифларини эшитди.

Шундан сўнг ишга киришилди. Дала юмушлари бригада аъзоларининг қобилиятига қараб тақсимланди. Ўзини ишда танитган С. Парпиев, Қ. Мирзажалоловларга ҳайдов ва чопиқ тракторлари, пахта териш машинаси бириктириб қўйилди. Ҳар иккала механизатор техникани кўз қорачиғидек авайлаб-асради, созлади, вақтида унумли ишлатди.

Ерларни текислаш, бороналаш, чигит экиш, эгат олиш, суғориш, қатор ораларини культивация қилишдан тортиб, ҳосил йиғим-теримигача бўлган ишларнинг ҳаммаси механизмлар воситасида бажарилди. Механизаторлар трактор ишлари топшириқларини бир ярим баравардан ошириб бажаришга муваффақ бўлди. Бунинг эвазига уларнинг даромади ортди.

— Сув — ғўзанинг қони,— дейди Очил ака, суғориш ҳақида гап кетганида. — Ғўзани оби-тобида суғориб турган киши, ҳеч қачон доғда қолмайди. Бироқ, суғориш билан суғоришнинг ўртасида катта фарқ ҳам бор. Баъзилар эринчоқлик қилиб, ғўзаларни кўллатиб суғориб юборишади, айрим ҳолларда ўқариқлар олинмасдан далаларга сув қўйилади. Натижада ниҳоллар янчилиб, ўсишдан қолади, ҳосил тугмайди, ёки кўсаклар кам бўлади, пахта тарози босмайди.

Очил ака айтганича бор. Унинг бригадасида ҳар туп ғўза ҳисобда. Бир гектар майдонда ўрта ҳисобда 95 минг туп ғўза бўлса, шуларнинг ҳар бири ҳисоблаб борилади, бирор тупнинг нобуд бўлишига йўл қўйилмайди. Чунки, ҳосил туплардан олинади-да! Дала посбонлари деб ном олган сувчилар чигит униб чиққанидан тоқи, ғўза кўсаклаб бошлаганга қадар ўтган давр ичида ниҳолларни ана шундай асрайдилар.

Коммунист бошлиқ бригадада янгиликка кенг йўл очиб берилган. Чунки, бригадирнинг ўзи янгилик тарафдори. Ўз даласининг тупроқ хусусиятини, рельефини, ер, сув шароитини ҳисобга олиб, 101 гектар майдоннинг ҳаммасига «Тошкент-2» навли чигит экди. Янги уруғ ернинг ўз намига қийғос ундириб олинди. Шундан сўнг дарҳол қатор ораларини юмшатишга киришилди.

Кунлар исиши биланоқ иккинчи культивация ўтказилиб, барча майдондаги ғўзалар бир сидра сувга қондирилди. Қуёш нуридан, оби-ҳаётдан, деҳқоннинг қадоқ қўлларидан, унинг меҳр-эҳсидан баҳраманд бўлган ғўзалар авж олиб ўсди, кунда бир яшнади. Йиғим-терим бошланишига қадар амалга оширилган агротехника тадбирларининг ҳаммаси маромида ўтказилди. Ҳосил ҳам қутилганидан зиёда бўлди.

Бригада аъзолари ўтган йили 101 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 27 центнер ўрнига 40 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтардилар. Йиллик план бир ой ичида, социалистик мажбурият қирқ кунда ниҳоясига етди. Бир центнер пахтанинг таннархи аввали йилдагига қараганда 2 сўм 40 тийинга камайтирилди. Кам меҳнат ва маблағ эвазига етиштирилган ҳосил бригада аъзоларига катта даромад келтирди. Очил Маматқуловнинг ўзи енгил автомашина билан тақдирланди. Бошқалар ҳам қимматбаҳо буюмлар, мамлакат бўйлаб туристик саёҳатга путёвка билан мукофотландилар.

Социалистик мусобақада Очил Маматқулов бошлиқ бригада тағин ғолиб чиқди. Коммунист бошлиқ бригада тажрибалари колхоз бўйича умумлаштирилди ва бу тажрибаларни ҳамма жойда кенг тадбиқ этиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.

Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхозда бўлиб, илғор бригадалар ҳақида гап очсангиз, биринчи бўлиб коммунист, Ленин орденли бригада бошлиғи Очил Маматқуловнинг номини тилга олишади. Бунинг боиси бор, албатта. Очил Маматқулов Ленин партиясининг муносиб аъзоси, ҳақиқий бободеҳқон фарзанди, чинакам пахтапарвар, беминнат, заҳматкаш инсондир. У бригадага бир неча йиллардан буён бошчилик қилиб келаётган экан, пахта планини социалистик мажбуриятини бажармаган йили йўқ.

Бунинг устига бригада аъзоларининг моддий манфаатдорлиги ҳам йил сайин ортиб боряпти. Масалан, бригада аъзоларининг ўртача ойлик иш ҳақи ўтган йилдагига қараганда 40 сўм кўпайди. Бир йилда 40 сўмлик ўсиш! Бу, ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ.

Бригада аъзоларининг ҳаммаси далаларда бир жон-бир тан бўлиб меҳнат қилишди, бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун қайғурди, ташвиш тортди. Бригада муваффақиятларини ҳам, унинг ташвишларини ҳам аъзоларнинг барчаси баббаравар баҳам кўришди. «Сеники», «меники» ёки «бу ишни фалончи қилиши керак», деган гап-сўз бўлмади. Ана шуларнинг ҳаммаси бригада муваффақиятларининг кўпайишига имкон берди.

— Тўқкизинчи беш йиллиқнинг ҳал қилувчи — учинчи йилида ҳар гектар ердан 45 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун социалистик мусобақага қўшилдик,— дейди бригада бошлиғи Очил Маматқулов.

— Бунинг учун барча тадбирларни изчил амалга оширамиз. Ҳозир далага маҳаллий ўғит чиқаряпмиз, ариқларни тартибга келтиряпмиз. Ҳа демай экиштикиш ишлари бошланиб кетади. Олинган мажбуриятни шараф билан бажариш учун ҳамма жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқда.

Бригадир ҳақ гапларни айтди. Даладаги қайноқ меҳнат нафаси ҳам унинг сўзларини тасдиқлаб турибди.

А. РАҲИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР — ПЛАНЕТАМИЗДА

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ **САН-МАРИНО.** Бу ерда Сан-Марино Коммунистик партиясининг VIII съезди очилди. Съезд «Демократик янгиланиш ҳукуматини тузиш ва социализм сари бориш йўлида меҳнаткашларнинг ва аҳоли ўрта ишлаб чиқарувчи табақаларининг бирлиги» масаласини муҳокама қилади.

◆ **ЛОНДОН.** Англия қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат министрлиги жуда кўп озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи яна оширилмоқчи эканлигини эълон қилди. Жумладан, гўштли маҳсулотлар, шунингдек турли кондитер маҳсулотлар неласи ҳафтадан бошлаб анча қимматлашади.

Бир йил ичида Англияда озиқ-овқат нархи ҳозиргача тахминан 13 процент кўтарилди.

◆ **БОННГ.** Ғарбий Германиядаги жуда катта «Фольксваген-верке» автомобиль концерни ўзи ишлаб чиқараётган енгил автомобилларнинг нархи оширишини маълум қилди. Бундан буён автомашиналар нархи салкам 4,5 процент ортади.

◆ **ПАРИЖ.** Юристларнинг бир қанча халқаро ташкилотлари, шу жумладан, халқаро демократ юристлар уюшмаси билан халқаро юристлар комиссияси Сайгон режими турмаларида ва лагерларида азоб чекиб ётган сиёсий маҳбуслар тақдирини аниқлаш мақсадида Жанубий Вьетнамга ўз вакилларини юборишга қарор қилди. Ана шу ташкилотлар Парижда ўтказган матбуот конференциясида шу хабар тарқатилди.

◆ **ТОКИО.** Мамлакатнинг бош полиция бошқармаси хабар қилади: Шу йилнинг тўлиқсиз икки ойи мобайнида Япония йўлларида 2000 киши ҳалок бўлди. Ҳар куни Японияда ўрта ҳисобда 37 киши автомобиль транспорти қурбони бўлмоқда. Мамлакат фалокатлар ва бошқа бахтсиз ҳодисалар натижасида йўлларда ҳалок бўлган ёки жароҳатланган кишиларнинг кўплилиги жиҳатидан ҳамон дунёдаги олдинги ўринлардан бирида турибди.

(ТАСС).

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА



ЖАҲОН БИР ҲАФТА ИЧИДА

УМУМЕВРОПА КЕНГАШИ

26 февралда Финляндия пойтахти Хельсинкида хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан Умумевропа кенгашига тайёргарлик кўриш хусусида Европадаги 32 мамлакат, АҚШ ва Канада вакиллари қўп томонлама маслаҳатлашувининг учинчи босқичи бошланди. Хельсинкидаги учрашувларнинг иккинчи босқичи 15 январдан 9 февралгача давом этди. Маслаҳатлашувда қатнашувчи давлатлар ана шу иккинчи босқичда бўлажак форумнинг кун тартиби тўғрисида кенг кўламда ва бамаслаҳат келишиб олдилар. СССРнинг ижобий йўли турли мамлакатларнинг позицияларини бир-бири билан яқинлаштиришга кўп жиҳатдан ёрдам берди. СССР январь ойининг охирида кенгаш кун тартибининг бошқа делегациялар нуқтаи назарларини ҳисобга оладиган ва аниқ ишланган лойиҳасини маслаҳатлашув иштирокчиларининг муҳокамасига тақдим этди.

Кўпгина сиёсий кузатувчилар ва матбуот Хельсинкидаги учрашувларнинг учинчи босқичида Умумевропа анжуманига тайёргарлик соҳасидаги ишлар асосан тугалланиши мумкин, деб қайд қилмоқдалар. Вьетнамда, сўнгра эса Лаосда Америка агрессиясининг тўхтатилганлиги Шарқи-Жанубий Осиёдагина эмас, балки бутун дунёда ҳам вазиятни соғломлаштиришга йўл очиб берган ва Европадаги кескинликни янада юмшатиш йўлидаги кураш учун кўпроқ қулай истиқболлар вужудга келтирган ҳозирги пайтда тайёргарлик ишлари тугалланади, деб башорат қилиш учун ҳамма асослар бор.

Европанинг кенг жамоатчилиги қитъада тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлаш учун тобора актив кураш олиб бормоқда. Европадаги саккиз мамлакат — Англия, Бельгия, Болгария, Венгрия, Польша, Италия, Финляндия ва Югославия сиёсий ҳамда жамоат кучлари вакилларининг яқинда Миланда (Италия) ўтказилган учрашуви буни исбот қилади. Учрашув қатнашчилари Умумевропа кенгашини тезроқ чақириш зарур эканлигини якдиллик билан изҳор қилдилар.

ТЕЛЬ-АВИВНИНГ БОСҚИНЧИЛИК ХУРУЖЛАРИ

Тель-Авивнинг янги қонли ёвузликлари натижасида Яқин Шарқдаги вазият кейинги кунларда ғоят кескинлашди. 21 февралга ўтар кечаси Исроилнинг икки десанти вертолётларда Ливаннинг шимолий қисмидаги территорияларга туширилди. Бу десантлар денгиздаги ҳарбий кемаларнинг тўплари мададига таяниб фаластинлик қочоқларнинг икки лагерига ҳужум қилдилар. Тинч аҳолидан кўп киши, асосан кексалар, хотин-қизлар ва болалар ўлдирилди ҳамда яраслар қилинди, неча ўнлаб уй-жой портлатилди.

Иккинчи кун Тель-Авив яна босқинчиларча ҳуруж қилди. Унинг бу ҳуружи бутун дунёни қаттиқ ғазаблантирди. Исроил ҳаво қароқчилари Триполи-Қоҳира маршрути бўйича йўлга чиққан ва об-ҳаво шароитининг ноқулайлиги натижасида йўлдан адашиб, Синай ярим ороли осмонида пайдо бўлган Ливия пассажир самолётини уриб туширдилар. Бунинг натижасида 94 та бегуноҳ киши ҳалок бўлди. Ливанда чиқадиган «Аш-Шааб» газетаси қуйидагиларни ёзади: «Ҳарбий авиациянинг рейсдаги граждан самолётига ҳужум қилганлигини кўрсатадиган бунчалик разил мисоллар тарихда ҳали учрамаган эди».

Сиёсий кузатувчилар ана шу жиноят қасддан қилинганлигига эътибор бермоқдалар. Дарҳақиқат, Исроил учувчилари истаганларида қуролсиз самолётни ҳоҳлаган аэродромларига қўндира олишлари мумкин эди. Аммо бутун гап шундаки, ана шу босқинчилик ҳуружлари Яқин Шарқдаги вазиятни кескинлаштиришга интилаётган исроиллик агрессорларнинг кўзлаган ниятларидан бошқа бир нарса эмас. Арабларга нисбатан ҳайриҳоҳ деб ўйлаш қийин бўлган матбуот органлари ҳам шуни таъкидлаб кўрсатмоқдалар.

ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ БЎЛМАГАН БИТИМЛАРГА ҚАРШИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Африка учун тузилган иқтисодий комиссиясига аъзо бўлган мамлакатлар министрларининг 2-конференцияси Гананинг пойтахти Аккрада ўз ишини тамомлади. Конференцияда Африкадаги 41 давлат вакиллари қатнашди. Ғарбда валюта-молия танглиги кучайиб, Африка мамлакатларининг экономикасига жуда оғир таъсир ўтказаётган бир пайтда конференция чақирилди. Долларнинг яқинда девальвация қилинганлиги Африкадаги кўп мамлакатларнинг экспортига жуда катта зарар етказди. Аккрадаги учрашув қатнашчилари рўй берган вазиятдан ташвишланаётганликларини билдирдилар ва Африкани Ғарбда доим такрорланиб турадиган валюта тангликларининг салбий оқибатларидан ҳимоя қила оладиган ягона Африка валюта-молия системасини вужудга келтиришни ёқлаб чиқдилар.

Африка давлатларининг Европа иқтисодий уюшмаси билан ўзаро муносабатлари тўғрисидаги масала конференциянинг энг муҳим мавзуларидан бири бўлди. Маълумки, Яунде конвенцияси деб аталган битимнинг муддати 1975 йилда тамом бўлади. Ана шу конвенцияга мувофиқ Африкадаги 19 давлат, яъни Франция ва Бельгиянинг собиқ мустамлакалари Европа иқтисодий уюшмасига қўшилган аъзолар сифатида жалб этилган эди. Эндиликда Англия «умумий бозор»га кириши билан унинг корчалонлари Англиянинг собиқ мустамлакаларидаги табиий бойликларни ҳам қўлга олишга умид боғламоқдалар.

Британия ташқи ишлар министри Дуглас-Хьюмнинг яқинда Африка мамлакатларига қилган сафарига худди шу нуқтаи назардан баҳо бериш керак.

Аммо Африкадаги бир қанча давлатлар, деди Гана давлатининг бошлиғи И. Ачампонг конференцияда сўзлаган нутқида, Европа иқтисодий уюшмасига қўшилиш ғоясига жуда ҳам ишончсизлик билан қарадилар. Бу тасодифий бир ҳол эмас. Бу уюшма ривожланиб бораётган мамлакатларни арзон хом ашё етказиб берувчи мамлакатлар ҳолида сақлаб қолишга интилаётганлиги, уларнинг миллий саноатини ривожлантиришга ҳалақит бераётганлиги, савдо-сотиқнинг тенг ҳуқуқли бўлмаган шартларини бу мамлакатларга мажбуран қабул қилдириш ниятида эканлиги аён бўлиб қолди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Африка учун тузилган иқтисодий комиссиясининг ижрочи секретари Р. Гардинер конференцияда сўзга чиқиб, Африка мамлакатлари 1970 йилгача жаҳон капиталистик бозорида ўз моллари нархларининг камайтирилганлиги натижасида, 1960 йилдан тортиб 6 миллиард доллардан маҳрум бўлиб қолганлигини айтди.

Африкадаги мустақил давлатлар бундай шароитда Европа иқтисодий уюшмаси билан тузилган ва ҳуқуқий жиҳатдан тенг бўлмаган битимлар қайтадан кўриб чиқилсин, собиқ метрополиялар билан мустамлакачилик руҳида бўлган муносабатлар тугатилсин, деб ҳақли суратда талаб қилмоқдалар.

Африка бирлиги ташкилотининг бош секретари Нзо Экангаки конференциянинг ишларини якунлаштириб, конференция «Ривож топган Африкани барпо этишга қатъий қарор берганлигимиз»ни намойиш қилди деди.

А. БИРЮКОВ,
Ю. КОРНИЛОВ,
В. СЕРОВ,
В. ПОЛИКАРПО,
(ТАСС).

ОЗОДЛИК ОРОЛИНИНГ ЭЛЕКТР КЎПРИГИ

Куба Республикасининг меҳнаткашлари экономикани ривожлантиришда қадам-баҳадам катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Кейинги йиллар мобайнида саноатда, қишлоқ хўжалигида ва маданиятда мисли кўрилмаган ютуқларга эришилди. Бу муваффақиятларнинг кўпчилиги Куба меҳнаткашларининг Совет Иттифоқи ҳамда бошқа социалистик мамлакатлар билан яқин алоқаси ва ўзаро ёрдами туфайли қўлга киритилмоқда.

Февраль ойининг иккинчи ўнкунлигида Куба ҳаётида тағин ҳам катта қувончли воқеалар рўй берди. Айниқса, Куба ва совет энергетикларининг ҳамкорлигида бажарилган ишлар ўзининг ажойиб самарасини кўрсатди — Кубада биринчи марта юқори вольтли электр узатиш линияси фойдаланишга топширилди. 220 киловольтли бу линия жуда тезкорлик билан қурилди. 120 километр масофани ўз ичига олган бу электр йўли Ренте иссиқлик электр станциясидан Ольгин шаҳригача етказиб борилди.

— Иссиқлик электр станцияси бундан етти йил муқаддам Совет Иттифоқининг яқиндан кўрсатган ёрдамида қурилган эди, — деб ҳикоя қилади электр линия қурилиши бошлиғининг ўринбосари, Куба Компартиясининг аъзоси Геронно Берналь. Бу соҳада Советлар мамлакати ўзининг Куба халқига чин дўст эканлигини яна бир бор исботлади. СССР Ренте — Ольгин — Нуэвитас юқори вольтли линия қурилиши учун барча ускуналарни ўз вақтида етказиб берди. Бу линия 280 километр масофани ўз ичига олади. Совет мутахассислари бу ердаги барча ускуналарни монтаж қилишда бизга яқиндан ёрдам беришди. Шуни айтиш керакки, ишлар жуда қисқа муддатда бажарилди. Натижада республикамиз учун жуда муҳим бўлган бу қурилишнинг биринчи навбати муддатидан илгари ишга туширилди. Иншоотнинг муҳимлиги яна шундаки, бу билан Кубада ягона электр энергетикаси системасини тузиш бошланади.

Кубалик дўстларга техника ёрдами кўрсатиш бўйича совет мутахассислари группасининг раҳбари Александр Молтсар қуйидагиларни ҳикоя қилади.

— Бу ерда — юқори вольтли линияни бунёд этишда мен уч йилдан бери ишлаб келмоқдаман. Линиядаги ускуналарни монтаж қилишда эришган барча муваффақиятларимиз совет ва Куба мутахассислари ва ишчиларининг яқин ҳамкорлиги туфайли рўёбга чиқди. Иншоотда жуда оғир табиий шароитларда ишлашга тўғри келди. Бу соҳада бир мисол келтириб ўтмоқчиман: линиянинг ҳамма участкасида 732 та устун тикланди. Уларнинг бир қисми юксак тоғ чўққиларида ва тоғ қиялиқларида ўрнатилди. У устундан бу устунгача бўлган қия масофа баъзи жойларда 80 метрдан ҳам ошиб кетди. Кубалик дўстлар ва бизнинг ўртоқларимиз бу қийинчиликларни матонат билан енгдилар.

Совет мутахассислари КПСС XXIV съезди шарафига оширилган социалистик мажбурият олишган бир пайтда ҳамда уни амалга ошириш учун курашда кубалик ҳамкасбларимиз ҳам жуда катта ёрдам кўрсатишди.

Биз кубалик ўртоқларимиз билан бирга Озодлик ороли меҳнаткашларининг миллий байрами — Монкада казармасига Фидель Кастро бошлиқ революционерлар ҳужумнинг 20 йиллигига (бу 26 июль куни нишонланади) 220 киловольтли электр узатиш линиясидаги барча ишларни тугатиш ва ишга туширишга қарор қилдик. Шундай қилиб, Кубада барпо этилаётган энергетика кўприги яна бир неча ойлардан сўнг тўла ишга тушади.

Суратда: Куба ва совет мутахассислари электр узатиш линиясининг Ренте бош станциясидаги монтаж ишларини охирги марта кўздан кечирмоқдалар.

В. Кошевой фотоси (ТАСС фотохроникаси).

АХБОРОТ

МУХБИРЛАРИМИЗДАН

ЖАБОЙ БАЛИМОНОВ НОМЛИ МУКОФОТ

Бухоро область партия комитети чорвачилик маҳсулотларк етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун чорвачилик ходимларининг область мусобақаси ғолибларига бериш учун икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Жабой Балимонов номли мукофот таъсис этди.

Машҳур чўпон Жабой Балимонов номли мукофот беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида совлиқлардан кўп соғлом қўзи олган, чорва молларини яхши сақлаб қолишда юксак кўрсаткичларга эришган чўпонларга берилади.

Т. НАЗИРОВ.

БУТУНИТТИФОҚ КУРИГИ ҒОЛИБИ

Ўтган йили СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига мамлакатимиз соғлиқни сақлаш муассасаларининг Бутуниттифоқ кўрики ўтказилган эди. Яқинда Наманган область соғлиқни сақлаш бўлимига Москвадан қувончли хабар келди. Кўрикда мамлакатимиз бўйича энг яхши ўн даволаш-медицина муассасаси ғолиби чиқди. Ўрта Осиёдаги барча даволаш-медицина муассасалари орасида ана шундай шарафга Чуст районн марказий касалхонаси муяссар бўлди.

Кўрик ғолиблари СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва медицина ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ҳамда 2 минг сўмдан пул мукофотини олдилар.

О. ЖУМАНАЗАРОВ.

«АМУДАРЁ»— 40 ЁШДА

Қорақалпоғистонликларнинг севимли журнали «Амударё»нинг биринчи сони чиққанига 40 йил тўлди. Журнал шу йиллар мобайнида социалистик маданият ва адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ойлик адабий-бадиий ва ижтимоий-сиёсий журнал қорақалпоқ ўлкаси воқелигини турли жанрларда ёзилган чуқур ва мазмунли асарлар, ранг-баранг расмлар орқали ифодалаб турибди.

Ўтган йилларда журналнинг ғоявий-бадиий даражаси яхшиланди. Унинг биринчи сони 1350 нусхада чоп этилган бўлса, тиражи ҳозир 20 мингдан ошган. Автоном республика жамоатчилиги журнал юбилейини нишонлади.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

ЖАНГЧИ—ВРАЧ

Улуғ Ватан уруши даҳшатлари тинганига кўп йиллар бўлди. Лекин бугунги бахтиёр ҳаётимиз учун, она-Ватанимиз мустақиллиги учун қаҳрамонона курашганлар, бу йўлда қурбон бўлганлар номини ҳамон хотирлаймиз. Ғалаба соатини тезлаштириш ишига ҳисса қўшган кишиларни эъзозлаймиз. Ана шу олижаноб ишда шифокорларнинг ҳам улуши катта бўлди. Уларнинг ҳар бири ўнлаб, юзлаб одамлар ҳаётини сақлаб қолган. Ярадорлар жароҳатига малҳам қўйиб, уларни сафга қайтарганлар. Ана шундай шифокорлар сафида Абдулла ака ҳам бор эди. У Тошкент медицина институтини битиргандан сўнг орадан 18 кун ўтгач уруш бошланди. 27 июнда эгнига шинель кийди. 35- алоҳида ўқчи бригаданинг артиллерия дивизионида врачлик қилди.

Уруш шароитида врачларнинг ҳам иши осон эмасди. Дала госпиталида ётган ярадор жангчиларни сафга тизиб, қўлга қурол олиб мудофаага ўтишга тўғри келарди. Смоленск областининг Сафигино қишлоғида худди шундай бўлган. Бу ерда жанг билан разведка ўтказган батальон муваффақиятсизликка учради. Дарҳол уларнинг ўрнини босиш, мудофаани мустаҳкамлаш керак эди. Бригада санитарлари, енгил ярадорлар хандаққа тушиб, душман йўлини тўсишди. Улар душманнинг шиддатли ҳужумларини қайтариб туришди.

Тенгсиз жанг бир кечаю икки кундуз давом этди. Шундан сўнг мадад кучлари етиб келди. Милтиқ, автомат ушлаган врачлар, ҳамширалар ўз ўринларини жангчиларга бўшатиб беришди.

Абдулла ака ўз жанговар фаолиятидан бундай эпизодларни кўплаб келтириши мумкин. Қизил юлдуз ордени, иккинчи даражали «Улуғ Ватан уруши» ордени ва жуда кўп медаллар Абдулла Қодировнинг жанговар хизматларидан, фронт чизиғида шифокорлик бурчини садоқат билан ўтаганлигидан далолат бериб турибди.

— Ровно шаҳри озод қилинган. Ҳаёт энди изга тушмоқда, — деб ҳикоя қиларди Абдулла ака. — Икки врачни шошилинч равишда Ўрмонга юборишди. Машҳур партизанлар саркардаси Кузнецов отряднинг ярадорлари озод қилинган ерга чиқишган, уларга дарҳол медицина ёрдами кўрсатиш зарур эди. Шу ерда, Ўрмонда 200 дан ортиқ жангчининг яраларини қайта боғладик. Оғир ярадорларни эса госпиталга жўнатдик.

Ўша вақтда шифокор 32-саперлар бригадаси составида эди. Бригадага полковник Пономарёв қўмондонлик қиларди. Сапёрлар дарёга кўприк қураётганларида душман самолётлари бомбардимон қилиб қолди. Бригада командирининг ўринбосари полковник Абрамов ҳалок бўлди. Пономарёв билан Қодиров эса оғир ярадор бўлиб госпиталга тушди. 1944 йилнинг 24 октябрида II ранг ҳарбий врач Абдулла Қодиров госпиталдан чиқди. Лекин уни яна фронтга эмас, фронт орқасига юборишди. Қирғизистон ССР Талас область ҳарбий комиссариатида ишлай бошлади.

Абдулла Қодиров 23 йилдан буён Тошкент тўқимачилик комбинатининг санитария-медицина қисмида ишлаб келмоқда. Улкан шифохонанинг педиатрия бўлимига бошчилик қилаётир. Унинг меҳнаткашлар соғлиғини сақлаш соҳасидаги хизматлари юксак баҳоланди. Жанговар орден ва медаллар қаторига Меҳнат Қизил байроқ ордени, медаллар қўшилди.

Абдулла акани маҳалла аҳли ҳам меҳнатсеварлиги, меҳрибонлиги, ҳозиржавоблиги учун ҳурмат қилади. Ярим кечада бўлса ҳам, зарур бўлиб қолса, бориб унинг уйини тақиллатишади. Абдулла ака бундай вақтларда шифокор зарур бўлиб қолганда келишларини яхши билади. Шунинг учун ҳам тайёр бўлиб, сумкасини кўтариб чиқади. Унинг ўртоғи Сора опа ҳам шифокор — медицина ҳамшираси. Беморни Абдулла ака муолижа қилган, Сора опа мижжа қоқмай бемор бошида ўтириб чиққан тунлар кўп бўлган. Шунинг учунми, Муқимий номли маҳалла аҳли шифокорлар оиласига мурожаат қилишади. Олижаноб шифокорлар эса «йўқ» сўзини билмайдилар.

И. РАҲИМОВ.

Узбекистон ССР Фанлар академияси сейсмология институти қошидаги сейсмик обсерваторияда сейсмик маълумотларни ишлаш механизациялашган усулда олиб борилмоқда. Ер тебранишларига доир барча маълумотлар электрон-ҳисоблаш машиналари ёрдамида ҳал қилинади. Сейсмик алоқалар эса махсус рация-радио алоқаси асосида олиб борилади. Суратда: «Тошкент» марказий сейсмик станцияси навбатчиларидан Т. Панкратьева, О. Хрулин ва М. Скрипальшчиков маълумотларни кўздан кечиришмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

«НАЯД»—СУВ НАЗОРАТЧИСИ

Чехословакиялик мутахассислар дарёлар ва бошқа сув ҳавзаларидаги сувнинг сифатини автоматик назорат қилиш мақсадида ноёб қурилма яратдилар. Бу автоматик назорат қурилмани «Наяд» деб атадилар.

Узатгичларни бир-бирларидан исталган масофада ўрнатиш мумкин. Улар «Наяд»га сувнинг физикавий хусуситлари ва унинг химиявий характеристикалари ҳақида ахборотлар беради. Компъютер олинган маълумотларни тўхтовсиз қайта ишлаб, хулосаларни машиннада босмадан чиқараверади.

Борди-ю, сувда зарарли моддалар концентрацияси кўпайиб кетса ,«Наяд»га тревога берилади, ёзиш машиннаси эса заҳарли моддаларнинг состави ҳақидаги маълумотларни қизил ҳарфда тера бошлайди.

ҲАР ТЎҒРИДА

ДАРОМАДЛИ ИШ

Америкада айрим қишлоқ хўжалик фирмалари ёввойи асалариларни кўпайтириш ва сотиш билан шуғуллана бошлашди. Заҳарли химикатлардан ҳаддан ташқари кўп фойдаланиш оқибатида асаларичилар бедазорларга яқин йўламай қўйдилар. Ёввойи арилар эса химикатлардан қўрқмайди ва ўсимликларни чангланишда катта фойда келтиради. Лекин улар жуда оз. Шунинг учун ҳам ишнинг нозини билган корчалонлар даромадли иш— ёввойи асалариларни кўпайтириш ва уни сотишга киришдилар.

УЧАР АВТОМАШИНА

Шлагбаум ёки светофор олдида йўлнинг очилишини пойлайвериб, жонига теккан шофёрлар кўпдан буён қаноқли автомашиналарни орзу қилишади. Ана шу орзу амалга оша бошлади. Унча мураккаб бўлмаган бир қатор жараёнлардан сўнг 6 минут ичида автомашинани самолётга айлантириш мумкин. Соатига 100 километр тезликда уча оладиган бундай автомобиль-самолётларнинг учиш полосаси 300 метрдан ошмайди. Автомобиль-самолёт икки кишини ва унча оғир бўлмаган юкни кўтара олади.

АКУЛА ВА МУЗИКА

Сўнгги йиллар ичида Австралия соҳилларида 360 киши акулалар қурбони бўлишди. Бу йиртқичларга қарши қандай курашмоқ керак? Мутахассислар акулаларга қарши курашнинг оригинал усулини таклиф этишди. Аниқланишича, акулалар музикани жуда ёқтиришаркан. Мусиқий оҳанг тарқатувчи бирор қурилмани сув тагига туширилса, акулалар дарҳол уни ўраб олишиб, тинглай бошлашаркан. Шундай қилиб, эндиликда музикага бўлган иштиёқлари туфайли акулаларнинг ўзлари музика қурбони бўлмоқдалар.

АВТОМАШИНА— ШЕРЛАР КУШАНДАСИ

Нью-Йорк ҳайвонот боғининг директори ваҳимага тушиб, дарҳол ветеринарларни чақирди. Қоплонлар ва йўлбарслар касалга чалиниб, овқат емай қўйишди ва суткасига 20 соатлаб ухлай бошлашди. Маълумки, бу йиртқичлар жуда қиммат туради. Шунинг учун ҳам қандай бўлмасин уларни ҳалокатдан қутқариб қолиш керак эди. Лекин уларни қутқариб бўлмади. Уларнинг орқасидан шерлар ва ягуар (америка қоплони)лар ҳам ҳалок бўлишди. Бу эпидемиямикин? Ветеринарлар бу саволга жавоб топишолмади. Муаммони паталогоанатомлар ечишди. Улар йиртқич ҳайвонлар вирус ёки микроблардан эмас, балки машиналар чиқарган газлардан ҳалок бўлганлигини исботлашди. Ана шундай газларда мавжуд бўлган қўрғошин ва рухнинг аралашмалари йиртқичларнинг ўлимига сабаб бўлган.

(«ЗНАНИЕ — СИЛА»дан).

ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи Узбекистон областларида ҳавонинг кам булутли келиши, ёғингарчиликнинг бўлмаслиги кутилади. Шимоли-Шарқ томондан эсган шамолнинг тезлиги Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва Бухоро областларида секундига 5-9 метрга етади. Қолган жойларда шамолнинг тезлиги 0-4 метрдан ошмайди. Ҳарорат кундузи 8-12, жанубда эса 15 даража атрофида бўлади. Кечаси республикамиз шимолида 0-4 даража совуқ, бошқа ерларда 0-4 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво кам булутли бўлиб, кучсиз шамол эсади. Кундузи 9-11, кечаси 0-2 даража иссиқ бўлади.

Редактор ўринбосари Ж. ЖАББОРОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 —**Дўстимнинг саргузашти** (бадиий фильмнинг 1-2-серияси), 11.50 — Кинофильм. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.40 — Болалар ўйидан репортаж. 19.10 — Мусобақанинг янги марралари. 19.35 — «Ахборот». 19.50 — Халқаро панорама (Москва). 20.20 — Ўн минут музика. 20.30 — «Ахборот» 20.50 — Адабий кўрсатув. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети. 23.00 — Кино оламида. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 18.30—МОСКВА. Концерт. 19.20—Фан оламида. 19.50 — Беш йилликнинг учинчи йили (Тошкент). 20.20 — **Ватангадолар** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 22.00 — ТОШКЕНТ. «Ёшлик» студияси кўрсатади. 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Телефильм. 19.30 — Ўқув программаси. 20.30 — Ҳужжатли фильм. 21.20 — Муз устида балет.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 27/II да Ўзбекистон ССР халқ артистлари **БЕРНОРА ҚОРИЕВА** ва **ДИЛБАР АБДУРАҲМОНОВА** ҳамда Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист **ВИТАЛИЙ ВАСИЛЬЕВ**ларнинг ижодий ҳисоботи.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/II да Ўйлчи юлдуз, 28/II да Табассум ўғрилари.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27/II да Жумагул, 28/II да Ўмарлар.

КИНО

Солярис (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Нишонли атом — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, 11.40 минут, кундуз соат 1.30 минут, 3.20 минут, 5 кеч соат 6.40 минут ва 8 да), «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда).

«Брутус» операцияси — «МОСКВА» (эрталаб соат 10, кундуз соат 12, 5, кеч соат 7 да), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз 12, 2, 4 да), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), ҲАМЗА номли (тоқ соатларда).

Нишонли атом; Сенними, шошмайтур! (5 серия) ва **Бремен музиначилари** — «ЧАЙКА» (эрталаб соат 9.30 минут, кундуз соат 12, 2, 3, 5, кеч соат 6 ва 8 да).

Оцеола — «КЎКЧА» (тоқ соатларда).

Самовий саргузаштлар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11, кундуз соат 1.30 минут, 4.30 минут, кеч соат 6.45 минут ва 9 да).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

3, 4 МАРТ КЕЧ СОАТ 5 ДА

КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти

ГУЛШОД ОТАБОЕВА

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:

ГУЛСАРА ЕҚУБОВА, ҚИЗЛАРЖОН ДУСТМУҲАМЕДОВА

Телеминиатюра ва сўз усталари: Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

ЭРГАШ КАРИМОВ, РОЗА КАРИМОВА, ОДИЛЖОН ОХУНЖОНОВ

Солистлар: Дадахон ҲАСАНОВ, Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, Ортиқ ОТАЖОНОВ, Назира ШЕРАЛИЕВА, Дилафруз ЖАББОРОВА.

«ШОДЛИК» АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ

Ансамблининг бадиий раҳбари — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист — ҲАКИМ НИШОНОВ.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

УРТА ЧИРЧИК РАЙОНИНИНГ ТУЙТЕПА ПОСЕЛКАСИДА

3, 4 МАРТДА

1973 ЙИЛГИ УЗБЕКИСТОН ССР ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИНИНГ БИРИНЧИ ЧИҚАРИЛИШИ БУЙИЧА

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ

ТИРАЖ эрталаб соат 10 да бошланади.

Кириш бепул.

Узбекистон КП Тошкент область ва шаҳар комитетлари, Октябрь район партия комитети ва район ижроия комитети Октябрь район партия комитетининг агитация ва пропаганда бўлими мудири, район Советининг депутати Тилла ҚУРБОНОВнинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор этадилар.

Саҳифада:

УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА ФИДОКОРЛИК КЎРСАТГАНЛАР

◆ ◆

ЧЎПОНЛИК ШАРАФИНИ ОҚЛАЕТГАНЛАР УЧУН

◆ ◆

ТАДҚИҚОТЛАР ВА ИЗЛАНИШЛАР

◆ ◆

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ МУЎЖИЗАЛАРИ

◆ ◆

МУСОБАҚАЛАР ВА ПЕШҚАДАМЛАР

ЁШЛАР ИЖОДИ КЎРГАЗМАСИ

Тошкентдаги В. И. Ленин номли республика пионер ва ўқувчилар саройида Бутуниттифоқ комсомол ҳамда пионер ташкилотига В. И. Ленин номи берилганлигининг 50 йиллигига бағишланган кўргазма очилди. Кўргазма «Ёшлар ижоди» деб номланмоқда.

Залга қўйилган олти юздан ортиқ экспонат республиканинг турли область ва шаҳарлари ёш техниклари, табиатшуносларн, амалий санъат билан шуғулланувчилари ижоди намуналаридан иборат. Бу ерда иштиёқ билан тикилган дўппидан тортиб, чуқур билимни талаб этадиган мураккаб электрон машиналар моделлари ҳам бор. Ана шу экспонатлар жойлардаги турли тўгаракларнинг яхши жиҳатларини намойиш қилиб турибди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда мактабдан ташқари 381 муассаса ишлаб турибди. Шунингдек, 26 та ёш техниклар, 17 та табиатшунослар тўгараги, 13 та болалар экскурсия станцияси ҳамда 15 та туристик базада минглаб пионер ва ўқувчилар ижодий меҳнат билан шуғулланишяпти, турли касб-ҳунарларни ўрганишяпти.

Кўргазма заллари айланган кишини пойтахт области ёш техниклари ижодига мансуб товушли генератор, «Союз» типидаги ракеталар, кўрак терувчи комбайнлар модели, медицинага оид электрон термометрлар завқлантиради. Самарқандликлар ясаган «Робот», андижонлик ўқувчилар тайёрлаган саноат автомати — «Фоторелье», қўқонлик техника ихлосмандлари ишлаган панолар, Риштон дўппилари ва бошқа кўплаб ижодий ишларни томошабинлар юқори баҳоламоқдалар.

А. МАННОПОВ.

ТЕАТР

«ОВ САРГУЗАШТЛАРИ»

Республика қўғирчоқ театри кўрсатган янги спектакль мана шу ном билан аталади. Бу спектакль болаларга табиатни севиш ва сақлашни ўргатади. Табиатни севиш ва уни муҳофаза қилиш кичкинтойларга ҳам, катталарга ҳам ҳар доим кўп манфаат етказади. Буни болаларга тушунтириш учун театр актери, республикада хизмат кўрсатган артист Тоҳир Маҳрамов билан ёзувчи Ҳабиб Раҳматуллаев ўзини мард бўлишга ўргатиш мақсадида ов қилишга жўнаб кетган Рустамнинг бошидан кечирган саргузаштларини ҳикоя қилиб бердилар. Композитор Комил Кенжаев Рустам ва пьесанинг бошқа қаҳрамонлари учун қувноқ қўшиқлар ёзиб берди. Тошкент театр-рассомчилик институтининг студенти ёш рассом Валерий Ким қаҳрамонларни томошабинларга чиройли ва севимли қилиб кўрсатишга уринди. Пьесани режиссёр И. Еқубов саҳналаштирди.

Театр коллективи Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистондаги қўғирчоқ театрларининг Олмаотада ўтказиладиган иккинчи фестивалига ҳозирланмоқда.

— Бу фестивалда биз, — деди театр директори Р. Ананьева, — «Синеганинг сири» деган спектаклни кўрсатамиз. Эртак тариқасидаги бу спектакль дадил ва яхши кишилар табиат гўзаллигини қандай қилиб сақлаб қолганлиги ҳақида ҳикоя қилади.

«Синеганинг сири» спектакли қачон кўрсатилиши тез орада театр афишаларида эълон қилинади. Бу спектакль фестивалга жўнашдан олдин Тошкент кенжатойларининг кўригидан ўтказилади. (ЎзТАГ).

ҚАЙДАСИЗ, ҚУРОЛДОШЛАР?

Собиқ 135-Краков ўқчи дивизиясининг ветеранлар совети Узбекистонда туғилган ёки ҳозир шу ерда истиқомат қилаётган ветеранларига мурожаат қилиб, ўзлари ҳақида хабар беришларини сўрайди. Дивизияда Узбекистоннинг кўпгина шонли ўғил-қизлари бор эди. Уларнинг кўпчилиги дивизия билан бирга катта жанговар йўлни шараф билан босиб ўтдилар, 1945 йил май ойида Бреслау (ҳозир Вроцлав) шаҳрида ўз жанговар йўлларини якунладилар.

Дивизия ветеранлари совети ўз ветеранларини излашда давом этмоқда. Шу нарсани қувонч билан маълум қиламизки, 1941 йил охирида дивизия ташкил этилган шаҳар-Коломнада 1970 ва 1972 йилда дивизия жангчиларининг учрашуви бўлди. Ўтган йили шу ерда дивизия шарафига мемориал тахта ўрнатилди. Шаҳардаги 29-мактабда шон-шуҳрат музейи ташкил этилди. Музейга мактаб қизил ҳизматчилари тўплаган материаллар, дивизия ветеранлари юборган ҳужжатлар, мактублар, расмлар қўйилган.

Қаердасиз, жанговар дўстлар? Сизнинг хат-хабарларингизга мунтазирмиз. Дивизияга қачон келганлигингиз, қайси қисм ёки бўлинмада қандай вазифада хизмат қилганингизни қуйидаги адресга аниқ ёзиб юборинг:

117421, Москва-В-421. Новаторлар кўчаси, 38-уй, корпус-1, кв. 34. Собиқ 135-Краков ўқчи дивизияси ветеранлар советининг раиси **Виктор Васильевич ЯШИН.**

Спорт. Спорт. Спорт.

САККИЗИНЧИ МАРТА ЧЕМПИОН

Тўпли хоккей бўйича мамлакатимиздаги Москва ва Красногорск шаҳарларида давом этган жаҳон чемпионати тугади. Финал учрашувда Швеция командаси билан СССР хоккейчилари куч синашдилар. Чемпионлик учун ана шу курашнинг 50-минутида совет спортчиси Валерий Маслов шведлар дарвозасини нишонга олди. Шу билан бу ўйин 0:1 ҳисобида совет спортчилари фойдасига ҳал бўлди.

Бу учрашув СССР терма командасининг тўпли хоккей бўйича саккизинчи марта жаҳон чемпиони бўлишини ҳам таъминлади. Шуни таъкидлаш керакки, совет спортчилари чемпионатда бирон марта ҳам мағлубиятга учрамадилар. Олти ўйинда 12 очко тўплаб, яна чемпионликни қўлда сақлаб қолдилар. Командамизнинг муваффақиятига дарвозабон Леонид Мухамедзянов, ярим ҳимоячи Владимир Плавунов, ҳужумчи Анатолий Фролов катта ҳисса қўшди. Анатолий Фролов чемпионат учрашувларида рақиблар дарвозасини аниқ нишонга олиш билан шуҳрат орттирди. У чемпионатнинг бомбардири саналди, жами 12 тўп киритди.

Чемпионат якуний жадвали қуйидагича:

	Ю	Д	М	Т	О
СССР	6	0	0	32-4	12
Швеция	4	0	2	21-12	8
Финляндия	1	0	5	13-30	2
Норвегия	1	0	5	8-28	2

ОЛИЙ ЛИГАЧИЛАР ДАВРАСИДА

Удмурдистоннинг Глазов шаҳрида кўл тўпи бўйича олий лигачилар мамлакат чемпионати давом этмоқда. Бу мусобақаларда Тошкент жисмоний тарбия институти командаси ҳам қатнашиб, дастлабки ўйинни ғалаба билан тамомлаганди. Иккинчи учрашувда тошкентликлар Москва авиация институти командасига 28:30 ҳисобида ютказиб қўйдилар. Краснодарнинг «Университет» командасидан Узбекистон кўл тўпи усталари 20:24 ҳисобида устун келдилар. СКА (Киев) командаси билан ўйинда ваниллиримиз 21:27 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Москванинг «Кунцево» командаси билан тошкентликлар 19:18 ҳисобида ўйнаб, очколарни бой бериб қўйдилар. Яна уч турдан кейин биринчи давра ўйинлари тугайди.

МАҚСАД: ОММАВИЙЛИК

СССР халқлари III спартакиадасига тайёргарлик кучаймоқда. Мамлакатимиздагина эмас, жаҳон миқёсида ҳам йирик мусобақа бўладиган бу спартакиадада спортнинг кишки турлари бўйича учрашувлар бўлади. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитети қарорида ана шулар таъкидланди.

Қарорда спартакиаданинг биринчи босқичи 1973—1974 йилларда бошланиб ташкилотларда ўтиши айтилган. Иккинчи босқич мусобақалари эса район ва шаҳар коллективларида бўлади. Бу босқич мусобақалари 1974 йил 1 февралгача давом этади. 5-12 февралда эса область, ўлка, Россия федерацияси автоном республикаларида спартакиада мусобақалари бўлиб ўтади. Иттифоқдош республикалар, Москва, Ленинград ва РСФСР халқларининг зонал спартакиадалари келгуси йил 20 февралгача ўтказилиши белгиланди.

СССР халқларининг III қишки спартакиадаси финал учрашувлари Свердловск ва Бакурианида келаси йил 6—17 марта тугайди. Республика комитетлари учун учта мунофот таъсис этилди. Бу мунофотлар спартакиаданинг биринчи босқичида оммавийликни эришган республика спорт комитетларига берилади. Шунингдек, спорт клублари ҳамда физкультура коллективлари учун ҳам 20 та мунофот таъсис қилинди.

ПЕШҚАДАМДАН ОЛИНГАН ОЧКО

Тошкент спартаючилари ўтган ҳафта охирида шарқий зона командалари даврасида пешқадамлик қилиб келаётган Нижний Тагилнинг «Спутник» командасини никала учрашувда ҳам мағлубиятга учратдилар. Хоккейчиларимиз биринчи учрашувда 4:1 ва такрорий ўйинда 2:0 ҳисобида ғалаба қозондилар.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 • ТЕЛЕФОНЛАР

алоқалар — 338142 коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

Б.—49. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 03246